

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:336.71 (575.1)

Гадоев Сўҳроб Жумақулович

Тижорат банклари томонидан нақд пул айланмасини янада
такомиллаштириш йўналишлари

Ихтисослик: 5А 230102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар
бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н.А.А.Авлиякулов

Термиз - 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
1-боб. НАҚД ПУЛ АЙЛАНМАСИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ–УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Пул айланмасининг назарий асослари.....	9
1.2. Пул айланмасини тартибга солишнинг ҳуқуқий-институционал асослари.....	15
1.3. Пул айланмасини ташкил қилишнинг хориж тажрибасидан Ўзбекистонда пул айланмасини бошқаришда фойдаланишнинг имкониятлари.....	27
1- боб бўйича хулосалар.....	27
2-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА НАҚД ПУЛ АЙЛАНМАСИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ	36
2.1. Ўзбекистонда пул айланмасини ҳозирги ҳолати ва уни ривожланиш тенденциялари	36
2.2. Ўзбекистонда нақд пул айланмаси мониторингини ташкил этиш	43
2.3. Ўзбекистонда нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш имкониятлари.....	51
2- боб бўйича хулосалар.....	51
3-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАР ПУЛ АЙЛАНМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	67
3.1. Нақд пул айланмаси борасидаги муаммолар	67
3.2. Нақд пул айланмасини такомиллаштириш истикболлари	75
3- боб бўйича хулосалар.....	27
ХУЛОСА	83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	88

ОГЛАВЛЕНИЕ

ВВЕДЕНИЕ	5
 Глава I. НАЛИЧНЫЙ ДЕНЕЖНЫЙ ОБОРОТ И ОСНОВЫ ЕГО ТЕОРЕТИКО-МЕТОДИЧЕСКО УПОРЯДОЧЕНИЯ	 9
1.1. Теоретические основы денежного оборота.....	9
1.2. Основы институционально-правового упорядочения денежного оборота	15
1.3. Исходя из зарубежного опыта организации денежного оборота использование в Узбекистане возможностей денежного обращения	27
 Глава II. ПРАКТИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ДЕНЕЖНОГО ОБРАЩЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	 36
2.1. Современное состояние денежного оборота в Узбекистане и тенденции его развития	36
2.2. Организация мониторинга наличного денежного оборота в Узбекистане	43
2.3. Возможности сокращения вне банковского оборота наличных денег в Узбекистане	51
 Глава III. ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕНЕЖНОГО ОБОРОТА БАНКОВ УЗБЕКИСТАНА.....	 67
3.1. Проблемы в сфере наличного денежного оборота.....	67
3.2. Перспективы совершенствования денежного оборота	75
 ЗАКЛЮЧЕНИЕ	 83
 СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ	 88

CONTENS

INTRODUCTION.....	5
 Chapter I. CASH TURNOVER AND FOUNDATIONS OF HIS THEORETICAL AND METHODIC ORDERING.....	 9
1.1. 1.1 Theoretical Foundations of monetary turnover	9
1.2. Through legal and institutional streamlining monetary turnover	15
1.3. Based on the international experience of organizing money circulation use in Uzbekistan opportunities monetary	27
 Chapter II. PRACTICAL CONDITION MONETARY CIRCULATION IN UZBEKISTAN	 36
2.1. Modern state of monetary turnover in Uzbekistan and development tendencies	36
2.2. The organization of monitoring cash turnover in Uzbekistan	43
2.3. Reduction Opportunities outside bank circulation cash money in Uzbekistan	51
 Chapter III. WAYS OF PERFECTION TRAFFIC IN CASH BANKS OF UZBEKISTAN	 67
3.1. Problems in the cash turnover.....	67
3.2. Prospects of perfection of money turnover.....	75
 CONCLUSION	 83
 LITERATURE	 88

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Пул мураккаб иқтисодий тизимни ўзида акс эттирадиган, бутун иқтисодий муносабатларни маҳсулининг мажмуидир. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши пул муомаласининг ҳолатига узвий боғлиқдир. Маълумки, пул муомаласи таркибида нақд пуллар айланмаси ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки аҳоли билан савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, давлат органлари, молия институтлари, шунингдек, корхоналар ва ташкилотларнинг ишчи ва ходимлари ўртасидаги ҳисоб-китобларни маълум қисми нақд пулда амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда нақд пулларни банк кассаларига келиб тушиши ҳамда нақд пулдаги тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида улар устидан самарали назорат олиб борилиши лозим. Бу борада асосий эътибор босқичма-босқич нақд пул айланмасини қисқартиришга ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтиришга қаратилиши лозим.

Ўзбекистонда пул муомаласини тартибга солишга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг "... сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар, асосан, қўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этилиши кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкин"¹ деган сўзлари алоҳида ўрин тутди.

Муомаладаги нақд пуллар айланмасини такомиллаштириш, уларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш масаласи барча давлатлар иқтисодиёти учун муҳимдир. Маълумки, Марказий банклар томонидан муомалага эмиссия қилинаётган нақд пулларни тўлиқроқ банк тизимига қайтиб келишини таъминлаш масаласи кўпчилик давлатлар учун долзарбдир.

¹Каримов И.А. "2013 йилнинг асосий якунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2014 йил 19 январь/- Т.: Ўзбекистон, 2014. 4- бет.

Давлат томонидан пул муомаласини, айниқса, нақд пул айланмасини самарали ташкил этишга жиддий эътибор берилиб, бу борада Президентимизнинг бир қатор Фармонлари ва Қарорлари қарорлари қабул қилинган. Жумладан, Президентимизнинг 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-822-сонли “Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари нақд пул айланмасини тартибга солишга ва унинг банкдан ташқари айланишини қисқартиришга қаратилгандир.

Ўзбекистонда нақд пул муомаласини тартибга солиш ва банкдан ташқари айланмасини қисқартириш бўйича ҳукумат даражасида олиб борилаётган ишлар натижасида пул айланмаси ҳажмининг таркибида нақд пул айланиш ҳажми кескин қисқарди ва нақд пулсиз айланма ҳажми ўсиб бормоқда. Лекин муаммонинг илдизи бутунлай бартараф этилган эмас, нақд пул айланмасида бир қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жумладан, банкларда нақд пул чиқими билан кирими ўртасида фарқ мавжуд, нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмаси ҳажми сезиларлидир, нақд пул билан тўланиши лозим бўлган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа биринчи даражали тўловларнинг пластик карточкаларга ўтказилган қисмининг ишлатилишидаги қийинчиликлар ва ҳ.з. Ушбу муаммоларни ечишда нақд пул айланмаси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни такомиллаштиришни ҳозирги давр тақазо этиб келмоқда. Мазкур ҳолатлар ушбу магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банкдан ташқари пул айланмаларини қисқартиришнинг назарий ва амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар – Г.Белоглазова, Д.Ван-Хуз, Д.Макнотон, О.Лаврушин, Р.Миллер С.Моисеев, У.Хесус, Э.Доланлар²нинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

2 Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: Высшее образование, 2008. – 620 с.; Финансы и кредит. Учебник. Под ред. Белоглазовой Г.Н. – М.: Юрайт-Издат, 2003. – 575 с.; Миллер Л.Р., Ван-Хуз

Банкдан ташқари пул айланмаларини қисқартиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Вахабов А.В, Б.Душаев, Н.Жумаев, О.Намозов, Р.Шомуродов, Т.Бобакулов, Э.Шодмонов, Ш.Абдуллаеваларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган³.

Илмий тадқиқотнинг мақсади. Тижорат банклари томонидан нақд пул айланмасини янада такомиллаштириш йўналишларига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий тадқиқотнинг вазифалари. Илмий тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, унинг олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- пул муомаласининг назарий асосларини ўрганиш ва нақд пул айланмасининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш;
- нақд пул айланмасини такомиллаштириш борасидаги тараққий этган давлатлар ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда нақд пул муомаласини ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда нақд пул айланмасини ташкил этиш бошқаришдаги муаммоларни аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикасида нақд пул муомаласини ташкил этиш ва унинг айланмаси мониторингини такомиллаштириш борасидаги илмий таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш.

Д.Д. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – Москва: Инфра-М, 2000. – 856 с.; Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. – Вашингтон, Д.С.: ИЭР МБРР, 1994. – 323 с.; Деньги, кредит, банки. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2009. – 560 с.; Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. – М.: Экономистъ, 2008. – 652 с.; Уэрто де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. – Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 663 с.; Долан Э. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – М.: Ленинград. 1991. – 446 с.

³ Вахабов А.В., Бобакулов Т.И. Национальная денежная единица – сум Республики Узбекистан // Central Eurasia: national currencies. Monograph. – Stockholm, 2008. – Р. 312-325.; Вахабов А.В Инқироз шароитида банк тизими барқарорлигини таъминлаш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2009. - № 4 – Б. 24; Душаев Б.М. Монетарная политика. – Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2003. – 120 с.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 32 б.; Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления. Дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 2001. – 39 с.; Шомуродов Р.Т. Банк тизимида монетар воситаларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 19 б.; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 33 б.; Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: дарслик. - Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. – 348 б.

Тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси пул тизими ҳисобланади.

Илмий тадқиқот предметини тижорат банклари томонидан нақд пул айланмасини ташкил этиш ва бошқариш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуини ташкил этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертация ишида пул айланмасини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан республикамызда нақд пул, ҳукуматни пул муамаласини такомиллаштиришга қаратилган мақсадли дастурлари қарорлари, олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банклар”, “Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш” фанларини ишчи ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Илмий янгилиги:

- республикамызда монетизация коэффиценти даражасини босқичма-босқич ошириб бориш йўллари ишлаб чиқилди;
- муомаладаги пул айланмасини иқтисодиётни ўсиш суръатлари барқарорлигини монетар инструментлар ва омиллар орқали таъминлаш таклифи асосланди;
- нақд пул муомаласини тартибга солиш амалиётидаги камчиликлар аниқланди ва уларни бартараф этиш йўллари таклиф қилинди;
- пул айланмасини муҳим элементи тўлов айланмасининг ҳолати баҳоланди ва ривожланиш тенденциялари аниқланди;
- банкдан ташқари пул айланмалари жараёнларини кискартиришни такомиллаштиришда пуллик чеклар ва пластик карточкаларга асосланган тўловлар ҳажмини ошириш йўллари ишлаб чиқилди.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Тадқиқот иши натижалари бўйича 6 та мақола ва тезис кўринишида республика илмий-амалий тадқиқот конференцияси материаллари тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш таркиби кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати, жами 98 **бет**дан иборат. Шунингдек,, магистрлик диссертацияда 8 **та** жадвал ва 5 **та** расмлар ўз аксини топган. Илмий ишни ёзиш жараёнида 101 **та** адабиёт ва 11 та интернет сайтдан фойдаланилган.

1-бoб. НАҚД ПУЛ АЙЛАНМАСИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ–УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Пул айланмасининг назарий асослари

Пул айланмасининг моҳияти хусусида илмий ва амалий жиҳатдан етарли даражада асосланган аниқ бир позицияга эга бўлмасдан туриб, унга тегишли бўлган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида фикр юритиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун энг аввало шуни алоҳида қайд этиш керакки, пул айланмасининг моҳияти иккиёқламалик характерга эга бўлиб, у бир-биридан нисбатан мустақил бўлган икки моҳиятнинг мантикий қўшилишидан таркиб топади. Гап бу ерда «пул тизими» ва «айланма»нинг нисбатан бўлса-да, мустақил моҳиятга эга эканлиги хусусида кетаяпти. Шунга кўра пул айланмасининг моҳиятини аниқлашни пулнинг моҳиятини аниқлашдан бошлаш керак дейиш ўзининг асосига эгадир. Бошқача айтганда, «пул айланмаси»нинг моҳиятини «пул тизимини»нинг моҳиятини аниқламасдан туриб аниқлашнинг иложи йўқ.

Азалдан амалиётда «пул тизими» деганда, одатда, қандайдир бир мажбуриятга кўра пулнинг тўланиши тушунилади. Замонавий талқин этиш нуқтаи-назаридан эса сотиб олинган товарлар, фойдаланилаётган ресурслар, тақдим қилинган кредит ва ҳ.к.лар учун қонунга мувофиқ ўрнатилган бадаллар кўринишидаги, мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар шаклидаги пул маблағлари тўловдир.

Иқтисодий адабиётда пул тизими ва унинг элементларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан чуқур тадқиқ қилинган. Аммо пул тизимининг элементларидан фойдаланиш механизми ва уни такомиллаштириш масаласида бир-биридан кескин фарқланувчи ва кўпчилик ҳолларда бир-бирини инкор қилувчи мунозарали ҳолатлар, хулосалар кўп учрайди. Масалан, О.Лаврушин таҳрири остида чоп этилган “Пул, кредит, банклар” дарслигида пул тизимининг элементларига қуйидагилар киритилган: пулнинг моҳияти ва функциялари; пулнинг

шакли ва турлари; пул бирлиги; пул массаси ва унинг таркиби; пул айланмаси, унинг таркиби ва ташкил этиш; пул тизимини ташкил қилиш принциплари; пул тизимини бошқариш принциплари; эмиссия механизми; валюта курси; касса интизоми; нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби; пул тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базаси; ахборот-таҳлилий элемент; технологик элемент; институционал элемент⁴.

Г.Белоглазованинг фикрига кўра, пул тизими қуйидаги элементлардан ташкил топади: пул бирлиги; баҳо масштаби; пул айланмаси; пул массаси; эмиссия механизми⁵.

Кўриниб турибдики, пул тизимининг элементлари хусусида бири-биридан кескин фарқланувчи фикрлар, хулосалар мавжуд. Г.Белоглазова пул тизимини ташкил қилувчи ва тартибга солувчи органларни элемент сифатида эътироф этмайди. Бу эса, фикримизча, тўғри эмас. Чунки, пул тизимини ташкил қилиш, бошқариш ва тартибга солиш уни мустақкамлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

У.С. Хесуснинг фикрига кўра, соф олтин стандартини ва талаб қилиб олинадиган депозитларга нисбатан 100% даражасидаги мажбурий захира талабномасини бир вақтнинг ўзида жорий этиш пул тизимини сифат жиҳатдан янги ривожланиш босқичига олиб чиқади. Лекин банкларнинг кредит экспансияси муомаладаги пул массасининг ошишига олиб келади. Бу эса, пул бирлигининг харид қобилиятини пасайишига сабаб бўлади⁶.

Фикримизча, У.С. Хесуснинг таклифи ҳозирги давр учун амалий аҳамият касб этмайди. Биринчидан, соф олтин стандартига қайтишга уринишлар ҳеч бир мамлакатда натижа бермади. АҚШда Р.Рейган ҳокимият тепасига келгандан сўнг, уни таклифи билан олтин стандартига қайтиш масаласини ўрганиш мақсадида Комиссия тузилди. Комиссия ушбу масалани ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ қилиш натижасида олтин стандартига қайтиш мақсадга мувофиқ, эмас, деган хулосага келди.

⁴ Деньги, кредит, банки. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. – М.: ЗАО «КноРус», 2009. – С. 95-101.

⁵ Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: ДЗ4 Высшее образование, 2008. – С. 113-128.

⁶ Уэрта де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – С. 280-282.

Иккинчидан, банкларнинг депозитларига нисбатан 100% даражасида мажбурий захира талабномасини жорий қилиш тижорат банклари кредит қуйилмалари ҳажмини кескин қисқаришига олиб келади ва иқтисодий ўсиш суръатининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, банк тизимининг кредитлаш салоҳияти паст бўлган ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида мазкур талабни жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ривожланган мамлакатларнинг пул тизими элементларидан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, монетар сиёсат орқали муомаладаги пул массасининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, курс сиёсати орқали мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва инфляцияни жиловлаш пул тизими элементларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштиришнинг асосий масалалари бўлиб ҳисобланади. Хусусан, Европа Марказий банки инфляциянинг йиллик даражасини 2 фоиздан ошишига йўл қўймаслик орқали пул тизимининг барқарорлигини таъминлашга муваффақ бўлмоқда.

Пул тизимининг муҳим элементларидан бири – бу нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ҳисобланади.

Проф О.И.Лаврушин таҳрири остида чоп этилган “Банк иши” дарслигида нақд пулсиз ҳисоб-китобларга қуйидаги уч шаклда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар киритилган:

-тўловчилар ва пул маблағларини олувчиларнинг кредит муассасаларида очилган ҳисобрақамларига ёзиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар;

-ўзаро талабларни воз кечиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар;

-муомаладаги тўлов инструментлари (векселлар, варрантлар ва ҳ.к.) ни узатиш орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар⁷.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг юқорида келтирилган таърифидан фарқли равишда, О.И. Лаврушин таърифида тўлов инструментлари

⁷ Банковское дело. Под ред. Лаврушина О.И. – М.: ЗАО «КноРус», 2008. – С. 309.

воситасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларга киритилади. Фикримизча, О.И.Лаврушин томонидан берилган таъриф нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мазмунини тўлароқ очиб беришга хизмат қилади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур таърифда биринчидан, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг хўжалик амалиёти учун хос бўлган ўзаро талабларни воз кечишга асосланган ҳисоб-китоблар ўз ифодасини топган; иккинчидан, банклардаги ҳисобрақамларига ёзиш орқали амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар эътироф этилган; учинчидан, тўлов инструментлари орқали юзага келадиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мавжудлиги таъкидланган. Товарлар ва хизматлар бўйича тўловларни амалга оширишда тўлов инструментларининг икки туридан, яъни оддий ва ўтказма тижорат векселларидан кенг фойдаланилади. Шуниси характерлики, тижорат векселлари пулнинг тўлов воситаси функциясини бажара олади. Шу сабабли, улар нақд пулсиз тўлов айланмасида иштирок этадиган пул маблағларининг маълум қисмининг ўрнини боса олади. Масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Ушбу жиҳатнинг мазмуни шундан иборатки, ўтказма тижорат векселлари индоссамент орқали бир неча марта айланиш хусусиятига эга бўлиб, хўжалик субъектлари ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик ҳажмини кескин қисқартириш имконини беради⁸. Демак, оддий ва ўтказма тижорат векселлари муомаласи орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларга киради.

Иқтисодчи олимлар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш хусусида хилма-хил қарашлар мавжуд. Масалан, таниқли иқтисодчи олим О.Херши томонидан яратилган “очиқ оферталар” назариясига кўра, аккредитивда кўрсатилган

⁸ Тижорат векселини учинчи шахсга узатиш ҳуқуқини берувчи махсус ёзув индоссамент деб аталади, вексели учинчи шахсга узатган субъект индоссант деб, векселни қабул қилиб олган шахс эса, индоссат деб аталади.

бенефициарга тўланиши ваъда қилинган сумма оферта ҳисобланади ва у акцептлангунга қадар очик қолади⁹.

А. Шамраевнинг фикрига кўра, ушбу назарияда аккредитивларнинг чақириб олинмаслик принципи ўз ифодасини топмаган¹⁰. Бизнинг фикримизча, “очик оферталар” назарияси Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ҳозирги ҳолати учун амалий аҳамиятга эга эмас. Чунки республикада асосан таъминланган ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан фойдаланилмоқда. Бунда бенефициарга тўлов суммасини ваъда қилишга зарурият йўқ. Бунинг сабаби шундаки, таъминланган аккредитивларда тўлов суммаси алоҳида ҳисобрақамида депонент қилинади.

Х.Рахимова чакана тўловларни нақд пулсиз асосга ўтказишни, “Смарт карт” технологияларидан фойдаланиш, иқтисодиётда банкдан ташқари пул айланмаларини кискартиришини таклиф қилади¹¹.

Н.Жумаев ўзининг илмий изланишларида мамлакатимиз иқтисодиётида доллар фетишизмнинг пайдо бўлганлигини ва унинг пул муомаласи ҳамда миллий валюта тизимига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлигини эътироф этган¹².

Иқтисодчи олимлар пул тизими пул муомаласи ташкил этилишининг давлат-ҳуқуқий шакли эканлигини эътироф этмайдилар. Ҳолбуки, фикримизча, пул муомаласини давлат ташкил этади ва қабул қилинган қоидалар ҳуқуқий кучга эга бўлиб, пул айланмасида иштирок этувчи барча субъектлар учун директив мазмунга эга.

Фикримизча, пул тизими қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- пул бирлиги;
- пул айланмаси таркиби;

⁹ Hershey O. Letters of Credit. – Harvard Law Review. – Vol. 32. – P. 1 (1918).

¹⁰ Шамраев А.В. Регулирование документарного аккредитива в праве США // Деньги и кредит. – Москва, 2001. – №6. – С. 52.

¹¹ Рахимова Х.У. Организация и развитие платежной системы Республики Узбекистан. Дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Ташкент, 2006. – С.19-20.

¹² Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 32 б.

- пул айланмасини ташкил қилиш ва тартибга солиш;
- пул массаси ва таркиби;
- миллий валюта паритети ва курси;
- пул тизимини ташкил қилиш принциплари.

Хулоса қилиб айтганда:

– иқтисодий адабиётда пул тизими ва унинг элементларидан фойдаланиш масаласи чуқур тадқиқ қилинган ва тегишли илмий-назарий хулосалар шакллантирилган;

– иқтисодчи олимлар ўртасида пул тизимининг моҳияти ва унинг элементлари хусусида мунозарали илмий-назарий қарашлар мавжуд;

– пулларга бўлган талабни эндоген ва экзоген омиллар белгилайди;

– валюталарнинг алмашув курсларини ўзгариши мамлакатнинг тўлов балансига ва ташқи савдо салоҳиятига бевосита ва кучли таъсир кўрсатади.

– тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, монетар сиёсат орқали муомаладаги пул массасининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, курс сиёсати орқали мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва инфляцияни жиловлаш пул тизими элементларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади;

– ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ва тартибга солиш амалиётининг такомиллашмаганлиги нақд пулларга бўлган талабни юқори даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Бироқ, бу ерда шу нарсани қайд этиш жоизки, тўловга нисбатан юқоридаги билдирилган ҳар иккала фикрда (таърифда) ҳам, бизнинг фикримизча, тўловнинг ташқи намоён бўлиши ўз аксини топган. Тўловнинг ўзига хос бўлган чуқур иқтисодий муносабатларни акс эттириши, унинг алоқалари ва хусусиятлари юқоридаги таърифларнинг чегарасидан четда қолган.

М.Березинанинг фикрига кўра, «...пул айланмасининг асосий қисмини тўлов айланмаси ташкил этиб, унда пуллар тўлов воситаси сифатида амал қилади»¹³. Бошқа бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг қарашларига биноан «тўлов айланмаси компаниялар ва корхоналар пул айланмасининг бир қисми бўлиб, унда пулнинг тўлов воситаси, мажбуриятларни узиш (қайтариш) воситаси сифатидаги ҳаракати акс этади»¹⁴.

Юқоридагилардан келиб чиқиладиган бўлса, тўлов айланмаси пул айланмасининг бир қисми, деб айтилганда иқтисодиётдаги тўлов муносабатлар амалиётига зид келинаётганлиги маълум бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, фикримизча, тескариси, яъни пул айланмаси пул ёрдамида ижро этиладиган тўлов айланмасининг бир қисмидир, дейилса тўғри бўлади.

1.2. Пул айланмасини тартибга солишнинг ҳуқуқий-институционал асослари

Мамлакатимизда нақд пул муомаласини тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган ва шароитдан келиб чиққан ҳолда доимо такомиллаштириб борилмоқда. Биз ушбу параграфда жорий нақд пул муомаласи ҳолати билан бевосита боғлиқ бўлган охириги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-57-сонли "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори республикаимизда пул муомаласи механизмларини янада такомиллаштириш, нақд пулларнинг банкдан ташқари айланишини кескин қисқартириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга қаратилган.

¹³ Березина М.П. Безналичные расчёты в экономики России. Анализ практики. - М.: АО «Консалтбанк», 1997. - с.5.

¹⁴ Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. - М.: Инфра-М, 2000. - с. 288.

Ушбу қарорда бўш нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини тубдан қисқартириш ва уларни банкларга жалб этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тегишли вазирликлар, идоралар ва назорат органлари, шунингдек, барча банк муассасалари фаолиятининг муҳим йўналишлари этиб белгиланган. Нақд пул тушуми тўлиқ ҳисобга олиниши ва инкассация қилиниши, нақд пулга товарлар сотадиган ва хизмат кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан назорат-касса машиналари сўзсиз қўлланилиши устидан солиқ назорати механизмини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, аҳоли жамғармалари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк омонатларига, айниқса муддатли депозитларга жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қонуний бўлган ҳолларда аҳоли депозитларидан ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидан нақд пулларни узлуксиз таъминлаш, бозор иқтисодиёти тамойилларига мувофиқ пул массасини бошқариш, нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ўртасидаги фарқларни босқичма-босқич бартараф этиш тизимини шакллантириш кўрсатилган.

Айниқса, қарорда аҳоли қўлидаги маблағларни банк муассасаларига жалб этиш мақсадида, улар билан боғлиқ банк кредити бериш, биринчи навбатда республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олишга истеъмол кредити, шунингдек, уй-жой қурилишига ипотека кредити беришнинг янги шакллари фаол ривожлантириш ва кўламини кенгайтириш белгиланганлиги диққатга сазовордир. Ҳалқаро амалиётдан маълумки, аҳоли истеъмол ва ипотека кредитлари олишлари учун банк муассасаларининг жамғарма депозитларига ушбу кредитларнинг маълум даражасигача маблағ қўйишлари лозим. Шунингдек, мазкур кредитларни нақд пул билан ёки ўзларини иш ҳақилари ва унга тенглаштирилган маблағларни ўтказиш билан қоплайдилар. Бу ҳолат бир томондан, банкдан ташқари нақд пул муомаласини тартибга солишга ижобий таъсир қилади,

иккинчи томондан, миллий ишлаб чиқаришни ривожланишига туртки бўлади.

Бўш нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини тубдан қисқартириш мақсадида қишлоқ жойларида қишлоқ жойларда шаҳар дўконлари ва супермаркетлари филиаллари тармоқларини вужудга келтириш, уларнинг айланма капиталини шакллантириш механизмини жорий этиш ҳамда савдо-сотиқни кенг ривожлантириш учун солиқ имтиёзлари тизимини яратиш таъкидланган. Шунингдек, аҳолининг бўш маблағларини сафарбар этадиган корхоналарни, хусусан, бозор инфратузилмаси институтларини, биринчи навбатда, суғурта ва лизинг хизматлари кўрсатадиган ташкилотларни ривожлантириш белгиланган.

Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-57-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Республика инкассация бирлашмаси, Давлат солиқ қўмитаси ва тижорат банкларига нақд пул тушумини инкассация қилишда қабул қилинган схема аниқ ва сўзсиз бажарилиши, энг аввало республика минтақаларида савдо тушумини инкассация қилиш қоидаларига риоя этилиши, нақд пул маблағларининг банк кассаларига ўз вақтида келиб тушиши ва уларнинг муомалага чиқарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатишлари ҳамда инкассация қилинган нақд пул тушумининг ҳажмлари амалда вужудга келадиган чакана савдо ва пулли хизмат ҳажмларига мос келиши устидан доимий мониторингни амалга оширишлари кўрсатилган.

Юқоридаги қарорда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва маҳаллий ҳокимликларга савдо қоидаларига риоя этилиши, назорат касса машиналари мавжудлиги, пул тушумининг банк кассаларига тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан қатъий назоратни таъминлашлари, шунингдек, савдо, уй-жой коммунал соҳаси, алоқа, йўловчи транспорти хизматлар ҳамда бошқа турдаги пуллик хизматларни ташкил қилишни такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳисобига нақд пул маблағлари

келиб тушадиган қўшимча манбаларни аниқлаш борасидаги тизимли ишларни ташкил қилишлари таъкидланган.

Республикамизда нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва унинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли “Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорда банк муассасаларини аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пуллар уларнинг биринчи талаби бўйича чекловсиз берилишини амалга ошириш чоралари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари ходимларининг бюрократик, сансалорлик, лоқайдлик ва таъмагирлик ҳолларини жуда қисқа муддатларда тугатиш учун унинг ваколатига кирувчи барча таъсир кўрсатиш механизмлари ва воситаларидан кенг фойдаланиши таъкидланган.

Мазкур қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг талаби бўйича нақд пуллар узлуксиз берилишини таъминлаш мақсадида банклардаги депозит ҳисобварақларда бўлган пул маблағларини бериш тартиби ва амалдаги низоми қайта кўриб чиқилди.

Ҳозирги вақтда тижорат банкларининг чорак, ярим йиллик ва йиллик иш якунларини сарҳисоб қилишда улар фаолияти самарадорлиги ва ишончлилигини баҳолашнинг энг муҳим мезонларидан бири бўлиб аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга депозит ҳисобварақлардан нақд пуллар узлуксиз берилиши ҳисобланади.

Юқоридаги қарорга кўра Марказий банк ва тижорат банкларининг иш якунларини кўриб чиқиш вақтида, мижозларга банкларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пулларни кечиктирмай тўлаш борасида ўрнатилган тартиб бир неча марта (ойига 3 мартадан кўпроқ) бузилган тақдирда тижорат банклари ҳудудий бўлимлари ва филиалларининг

рахбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинадилар. Нақд пул маблағлари узлуксиз бериб борилишини таъминлаш учун тижорат банкларининг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва жавобгарлигини ошириш тартиби тасдиқланди. Марказий банки нақд пул маблағлари беришни мунтазам равишда кечиктирган тижорат банкларининг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни қайтариб олиши мумкинлиги таъкидланган.

Ушбу қарорда нақд пуллар узлуксиз тўланишини таъминлаш мақсадида тижорат банклари ўз бўлинмаларида нақд пул маблағларига бўлган талаб тезкорлик билан тўлдирилишини ва миқдорларнинг буюртмалари қондирилишини таъминлайдиган нақд пул захирасини яратилиши, шунингдек,, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пулларнинг минтақавий захира жамғармаларини ташкил қилиши кўрсатилган.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларини уларнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар доирасида нақд пул маблағлари билан чекланмаган миқдорда таъминлаши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли қарорида нақд пул мониторингига алоҳида эътибор берилган бўлиб, Марказий банк ва тижорат банклар ўз тузилмаларида нақд пул маблағлари берилиши мониторинги бўйича махсус бўлинмалар ташкил қилиши ва нақд пулни қонуний беришдан бош тортиш ҳоллари қайд этилиши ва назорат қилиниши юзасидан индикаторлар ишлаб чиқиши ва шулар асосида тегишли ойлик ҳисоботни жорий этиши таъкидланган. Мазкур бўлинмалар кундалик нақд пул маблағлари келиб тушиши устидан доимий мониторингни амалга ошириш, шунингдек, нақд пул ҳисоб-китобларининг ҳолатини таҳлил қилиш, нақд маблағларни тўлаш ҳолати, уларни беришни кечиктириш ҳоллари мавжудлиги тўғрисида ҳар ойлик ҳисоботларни тақдим этиши, нақд пул захиралари ҳолати ва улардан

фойдаланишни тезкорлик билан бошқариш, шунингдек, бўш нақд маблағлар етарли ҳажмда бўлишини таъминлаш мақсадида улардан оқилона фойдаланиши белгиланган. Шунингдек,, банк мижозларининг нақд пул маблағларини чекловсиз ва узлуксиз бериш масалалари бўйича мурожаат ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш, тижорат банкларининг бўлимлари ва филиалларида ушбу масалалар юзасидан текширишлар ўтказиш, тижорат банклари мансabdор шахсларининг мижозларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пуллар узлуксиз берилишига оид талаблар бажарилишини таъминлаш борасидаги фаолияти натижаларига кўра уларни рағбатлантириш ёки жавобгарлик чоралари қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳам махсус бўлинмаларга юклатилган.

Республикамизда нақд пулларни бериш масалаларига тезкорлик билан эътибор қаратиш учун ҳар бир минтақада мижозларнинг аризаларини, шу жумладан "ишонч телефони" орқали мурожаатини кўриб чиқиш ва келиб тушаётган мурожаатлар дарҳол текширилиши ташкил қилинди.

Юқоридаги 147-сонли қарорда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товарлар сотиш, иш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган нақд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ топширилиши устидан назоратни кучайтириш топширилган. Шунингдек,, банк кассаларига топширилган нақд-савдо тушуми билан чакана товар обороти ва пулли хизматларни амалдаги ҳажмлари ўртасида мутаносиблик бўлиши, ҳамда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларида мажбурий фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатиши лозимлиги таъкидланган.

Мижозларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш учун тижорат банкларининг нақд пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, шунингдек, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини оширилиши муносабати билан нақд пул маблағларини банк айланмасига

қўшимча равишда жалб қилиш чоралари белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-822-сонли “Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори нақд пул муомаласини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қарорда Марказий банкга тижорат банклари билан биргаликда 2008 йил 1 апрелдан бошлаб тижорат банклари ва уларнинг филиаллари кассаларида нақд пул захираларининг энг кам миқдорини банклар миқозларининг нақд пул маблағларига бўлган икки кунлик эҳтиёжлари даражасида белгилаши кўрсатилган. Шунингдек,, марказий банк республиканинг ҳар бир минтақаси бўйича нақд пул оқими, нақд пулдаги ҳисоб-китоблар ҳолати, тижорат банклари кассаларига нақд пул тушуми ва харажати ҳажмини чуқур таҳлил қилган ҳолда нақд пулларни Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ўртасида тезкор равишда қайта тақсимлаб бориши белгиланган. Нақд пул захираларининг энг кам миқдорини иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда мутаносиб равишда ўзгартириш бўйича тезкор чораларни кўриши ҳамда банкларнинг айланма касса қолдиқларига белгиланган лимитдан ошган пул маблағлари суммасини нақд пул маблағлари захирасига мажбурий тарзда ўтказиш талабига тижорат банклари томонидан риоя этилиши устидан назоратни кучайтириши таъкидланган.

Мазкур қарорда ҳам нақд пул айланмасини тартибга солишга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимликларга нақд пул маблағларининг тўлиқ тушиши устидан доимий мониторингни амалга ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳақиқий товар айланиш ҳажмларини аниқлаган ҳолда мунтазам назорат текширувларини ўтказиш топширилган. Шунингдек,, улар нақд пул тушумларининг, шу жумладан, юқори ликвидли товарлар, алкогольли ва тамаки маҳсулотлари савдосидан, алоқа

ва йўловчи транспортида хизмат кўрсатишдан, квартира ҳақи ва коммунал тўловлардан, берилган кредитларнинг нақд пулда қайтарилишидан тушган маблағларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда банклар кассаларига келиб тушишини таъминлаши лозим. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни нақд пулга улгуржи сотиш ва пластик карточкалар бўйича тўловларни қабул қилмасликларига йўл қўймасликка алоҳида эътибор беришлари, уларнинг назорат-касса машиналаридан ва ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланишларини таъминлаш устидан назоратни кучайтиришлари керак.

Юқоридаги қарорда республика Пул-кредит сиёсати комиссияси ҳар ойда минтақаларда банклар кассаларига нақд пуллар тушуми барқарор ошиб боришини таъминлашга доир ишлар аҳволини кўриб чиқиши ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этишни кенгайтириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиши кўрсатилган.

Республикамизда нақд пул муомаласини ташкил этиш ва уни мониторингини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 10 октябрда 1518-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги йўриқнома билан тартибга солинади. Ушбу йўриқномада нақд пул айланмасини прогноз қилиш, муомаласини ташкил этиш ва нақд пулларни бериш устидан назоратни ташкил этиш қоидалари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муомалага чиқарилмаган пул белгиларини сақлаш мақсадида ўзининг ҳудудий бош бошқармаларида захира жамғармаларини ташкил этади. Тижорат банкларининг барча филиалларида эса миқдорларнинг нақд пулларга бўлган талабини ўз вақтида қондириш учун мажбурий тартибда оборот кассалар, шунингдек, нақд пул захираси ташкил этилади. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаси тижорат банкининг ҳар бир филиали бўйича оборот кассадаги нақд пулларнинг энг кўп қолдиғи лимитини, нақд пул захираси бўйича эса тижорат банклари билан

биргаликда нақд пул маблағларининг энг кам қолдиғи лимитини белгилайди.

Тижорат банклари пул муомаласининг ҳолатини мунтазам ўрганиб, таҳлил қиладилар ҳамда уни мустаҳкамлаш учун амалий чоралар кўрадилар, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжларини уларнинг талаби бўйича узлуксиз қондирилишини таъминлайдилар.

Тижорат банклари жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишга, уларни пул даромадларини нақд пулсиз тартибда омонатларга ўтказилишини кенгайтиришга, товар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китобларни, шу жумладан банк карталаридан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга қаратилган чоралар кўрадилар. Юридик шахслар билан келишган ҳолда уларнинг кассаларидаги нақд пул қолдиғи лимитлари, пул тушумларини банкка топшириш тартиби ва муддатларини белгилайдилар. Нақд пул маблағларининг ҳар куни келиб тушиши устидан доимий мониторингни амалга оширадилар, нақд пул захиралари ҳолати ва улардан фойдаланишни тезкорлик билан бошқарадилар, шунингдек, бўш нақд маблағлар етарли ҳажмда бўлишини таъминлаш мақсадида улардан оқилона фойдаланадилар.

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари зиммасига пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш, ҳудудлардаги тижорат банкларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини юргизиш юклатилган. Шунингдек,, улар пул муомаласининг ҳолатини ўрганадилар, банкларнинг касса оборотларини таҳлил қиладилар, пул муомаласининг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни жамлайдилар ва тартибга соладилар. Пул муомаласини мустаҳкамлашга қаратилган таклифларни тайёрлаб, жойлардаги давлат бошқарув органлари муҳокамасига кўядилар ҳамда нақд пулга бўлган талабни узлуксиз таъминлашни назарда тутиб, минтақалар ва тижорат банклари филиаллари ўртасида нақд пул маблағларини тезкор қайта тақсимлашни амалга

оширадilar. Банкларнинг пул муомаласига доир ишларини ўрганиб, уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берадилар.

Юридик шахслар Адлия вазирлигида 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан рўйхатга олинган "Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари"га мувофиқ ўз кассаларида нақд пул қолдиқлари бўйича белгиланган лимитлар доирасида нақд пулга эга бўлишлари мумкин. Бундан ортиқча қисмини банк билан келишилган тартибда ва муддатларда банкка топширишлари шарт. Кассадаги нақд пуллар қолдиғи лимити ҳар йили кассага эга бўлган ва нақд пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи барча юридик шахсларга белгиланади.

Юридик шахслар ўз кассаларида нақд пулларни белгиланган лимитлардан ортиқча миқдорда фақат меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, пенсия ва стипендиялар бериш учун, банкдан олинган кунни қўшиб ҳисоблаган ҳолда, 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида (банклардан узоқ масофада жойлашган юридик шахслар эса 5 иш кунигача) сақлаш ҳуқуқига эга. Бу муддат тугагач, қўзланган мақсад учун ишлатилмаган пуллар банкка қайтарилади ва кейинчалик юридик шахсларга уларнинг биринчи талаби биланок ўша мақсадларга ишлатиш учун берилади.

Юридик шахслар томонидан пул тушумлари банкнинг кундузги ва кечки кассаларига, инкассаторларга ва кейинчалик инкассаторлар орқали банкларга топшириш учун бирлашган кассаларга топширилади. Кассадаги нақд пуллар қолдиқларининг белгиланган лимитлари, тушумни топшириш тартиби ва муддатлари банклар томонидан ҳар бир юридик шахсга ёзма равишда маълум қилинади.

Банклар юридик шахсларнинг пул тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ топширишлари бўйича мониторинг олиб борадилар. Мазкур мониторингни амалга ошириш учун журнал асосида тушумни банкнинг кундузги ва кечки кассаларига топширадиган юридик шахслар бўйича рўйхатлар-

назорат қайдномалари тузилади ва улар мижозларнинг ҳисобварақлари юритиладиган жойдаги банк бухгалтерларига ҳамда кечки кассаларнинг назоратчиларига топширилади. Банк бухгалтери ва назоратчилари юридик шахслар бўйича тузилган ана шу қайдномаларга тушум топширилганлиги ҳақида ҳар куни белги қўядилар.

Тушумни инкассаторлар орқали топширадиган юридик шахслар доираси бўйича инкассация бўлими бошлиғи ҳар куни банкнинг пул муомаласи бўлими бошлиғига олдинги кунги тушумни топширмаган юридик шахслар ҳақида маълумотномани бунинг сабаблари кўрсатилган ҳолда тақдим этади.

Банк ходимлари ҳар куни инкассация бўлими тузган назорат қайдномаларини ва маълумотномаларини кўриб боришлари ҳамда олдинги кунда топширилиши кечиктирилган тушумнинг ҳаммаси кундузги кассага албатта топширилиши, шунингдек,, бундан кейин топширишни кечиктириш ҳоллари юз бермаслиги учун чоралар кўришлари керак.

Банклар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга нақд пулларни уларнинг биринчи талаби бўйича узлуксиз беришни таъминлайдилар. Бунда нақд пулларни бериш биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга, пенсия, нафақа, стипендия, хизмат сафари харажатлари, шунингдек,, аҳоли омонатларини тўлаш учун амалга оширилади.

Нақд пул маблағларининг берилиши мониторинги бўйича Марказий банк ва тижорат банкларининг махсус бўлинмалари кундалик нақд пул маблағлари келиб тушиши устидан доимий мониторингни, шунингдек,, нақд пул ҳисоб-китобларининг ҳолати таҳлилини амалга оширади ва нақд маблағларни тўлаш ҳолати, уларни беришни кечиктириш ҳоллари мавжудлиги тўғрисида ҳар ойлик ҳисоботлар тузади. Шунингдек,, банк мижозларининг нақд пул маблағларини чекловсиз ва узлуксиз бериш масалалари бўйича мурожаат ва шикоятларини кўриб чиқади ҳамда улар

юзасидан зудлик билан чоралар кўради, тижорат банкларининг бўлимлари ва филиалларида ушбу масалалар юзасидан текширишлар ўтказди.

Накд пулларни бериш масалаларига тезкорлик билан эътибор қаратиш учун Марказий банк ва тижорат банклари томонидан ҳар бир минтақада миждозлар нинг аризаларини, шу жумладан "ишонч телефони" орқали, кўриб чиқиш ва келиб тушаётган мурожаатларнинг дарҳол текширилиши ташкил қилинади.

Банклар томонидан накд пул бериш, биринчи навбатда банк кассаларига жорий пул тушумлари, шунингдек, накд пул захиралари ҳисобидан таъминланиши лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 август ПҚ 433-сонли “Пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 7 ноябр ПҚ 726-сонли “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008- йил 27 март ПҚ 822- сонли “Накд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2008 йил 31 октябр ПҚ 991-сонли “Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги, 2009 йил 6 апрел ПҚ 1090-сонли “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 28 ноябр ПФ 4057-сонли “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2008 йил 2 феврал ПФ 3968-сонли “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарор ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабр 621-сонли “Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларни амалга

оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида”, 1997 йил 11 декабр 548-сонли “Республикада савдо тушуми инкассация қилишини ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2001 йил 22 июн 264-сонли “Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2002 йил 5 август 280-сонли “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2004 йил 24 сентябр 445-сонли “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари ва бошқалар нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва унинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳолининг нақд пулга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва камайтиришнинг устувор йўналишлари бўлиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда нақд пул муомаласи ва унинг мониторингини ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган. Аммо ушбу соҳада эришилган ютуқларга қарамасдан, нақд пул муомаласида бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, ҳалигача нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмаси сезиларли даражада қолмоқда. Мазкур ҳолатлар нақд пул муомаласининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириб боришни тақазо этади.

1.3. Пул айланмасини ташкил қилишнинг хориж тажрибасидан Ўзбекистонда пул айланмасини бошқаришда фойдаланишнинг имкониятлари

Таракқий этган мамлакатларда нақд пуллар муаммоси пластик карточкаларга асосланган тўловлар тизимини ва юридик шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш амалиётини ривожлантириш йўли билан ҳал қилинган. Нақд пулсиз тўловларининг ичида нисбатан энг самарали ва истеъмолчилар орасида энг кўп тарқалгани-бу банкларнинг тўлов карточкалари ҳисобланади.

Бугунги кунда тўлов карточкалари муомаладаги нақд пулларни ва банк чекларини тобора сиқиб чиқармоқда. Чунки чекларни қайта ишлаш карточкалар билан операцияларни амалга оширишга қараганда банкларга бир неча марта қимматга тушади. Микропроцессор технологияларини жорий этилиши банк тўлов карталарининг ролини янада ошишига олиб келди, чунки «электрон ҳамёнлар» банклар учун бозорнинг энг ноқулай сегменти бўлган майда тўловлар сегментини ёпиб қўйиши мумкин.

Тўлов карталари бозорида етакчи мавқеини **Visa International** ва **Master Card** эгаллайди.

Visa International 2013 йилнинг 1 май ҳолатига, 2 миллиард дондан ортиқ карточка ишлаб чиқарган бўлиб, 21 мингта молиявий институтни бирлаштиради. Ушбу карточкалар дунё бўйича жойлашган 20 миллионга пунктда қабул қилинади¹⁵. Visa International картаси орқали йиллик амалга ошириладиган савдо айланмаси 4,9 триллион долларни ташкил килади.

Visa International тўлов тизими томонидан VisaDirect технологияси ишлаб чиқилди ва ҳозир Ғарбий Европадаги тижорат банкларида жорий қилинмоқда. Ушбу технология **Visa** карточкаларига бириктирилган ҳисобрақами бўйича тўловларни бир мамлакатдан иккинчисига тез ва ишончли тарзда амалга ошириш имконини беради.

Ҳозирги вақтда, ҳар иккала компания томонидан тўлов карточкаларини микропроцессор технологияларига ўтказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор микропроцессорли карточкаларни кўп функционалли бўлишига қаратилмоқда. Бундан карточкалар эмитентлар учун ҳам, эквайрер банклар учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам қулай бўлиши лозим. Ҳозирча айрим банклар томонидан бу борада қилинган анча йирик миқдордаги ҳаражатлар бошқа банкларни ва мустақил компанияларни чўчитиб турибди. Масалан, Германияда бундай карточкаларни муомалага киритиш банкларга 460 млн. АҚШ долларига тушди.

¹⁵ <http://visa.com.ru/>.

Тўлов карточкалари ўртасида энг кенг тарқалгани кредит карточкаларидир.

Бугунги кунда, хорижий банклар пластик карточкалар тизими харажатларини камайтириш ва молиявий маълумотларни ҳимоялаш тизимининг ишончилигини ошириш мақсадида ўзларининг тўлов тизимларида смарт-карталардан фойдаланиш устида иш олиб бормоқдалар.

Ривожланган давлатларда пластик карточкалар воситасидаги тўлов хажми ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган пластик карточкалар сони Канада (6181 та), АКШ (4324 та), Япония (4097 та) ва Англияда (3007 та) бошқа ривожланган мамлакатларга қараганда юқориликча қолмоқда. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мазкур давлатларда пластик карточкалар воситасида амалга ошириладиган тўлов тизими жуда ривожланган.

Масалан, Англия банкларида кредитлардан олинган фоизлар жами банк даромадларининг 50 фоизидан ошмайди, даромадларнинг қолган қисми бошқа банк хизматларидан, шу жумладан, пластик карточкалар билан боғлиқ бўлган тўлов хизматларидан олинади. Иккинчидан, Гарбий Европанинг катор мамлакатларида, шу жумладан, Германия, Франция, Италия ва Бельгияда пуллик чеклар орқали ҳисоблашишлар кенг тарқалган.

Bank of America Мексикага пул ўтказмаларини жўнатиш бўйича ўзининг хизматини **Safe Send Transfert Card** пластик карточкалари орқали таклиф қилиши мумкин. Бу карточка жўнатилган пул маблағини 26 мингта банкоматдан олиш имкониятини беради. Пуллар карточка тулдирилгандан сўнг 6 дақиқадан кейин олувчига етади.

Citigroup Мексикага пул ўтказиш бўйича ўз хизматини таклиф қилади. Бунинг учун мигрантга **Citibank**да карточка ҳисобрақами очилади ва унга пластик карточка берилади. Пластик карточка Мексикадаги пулни

олувчига берилади ва албатта унга **pin-kod** айтилади. Ушбу карточкалар бўйича пул маблағларини Мексикадаги 20 минг банкоматдан олиш мумкин. Карточкани ойлик саклаш ҳақи 5 доллар, ҳар бир жўнатма учун банк 7,95 доллар олади, бунда жўнатма суммаси ҳисобга олинмайди¹⁶.

Жаҳон амалиётида пластик карточкаларга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимларини ривожлантириш орқали нақд пуллар устидан самарали мониторинг ишлари олиб борилди ва уларга хос бўлган тенденциялар қуйидагилардан иборат:

1. Пластик карточкалар орқали нақд пул маблағларининг миқдорига нисбатан лимитлар белгилаш тартиби дунёнинг қатор мамлакатлари амалиётида жорий қилинди.

Буюк Британияда давлат томонидан операцион кун мобайнида пластик карточкаси билан нақд пул олишга нисбатан лимит белгиланди. Яъни битта пластик карточка эгаси бир кунда пластик карточка билан 300 долларгача нақд пул олиши мумкин. Германияда эса бу кўрсаткич 500-600 долларни ташкил қилади¹⁷.

Ривожланган давлатларда пластик карточкалар орқали нақд пул олишга нисбатан лимитнинг белгиланиши сўнгги пайтларда жуда авж олган товламачиликлар билан изоҳланди.

2. Смарт карталардан фойдаланишга оммавий ўтиш тенденцияси.

Смарт карталари орқали катта ҳажмлардаги хилма-хил молия хизматлари бўйича тўловларни амалга оширишнинг мумкинлиги уларга бўлган талабнинг кескин ошишига олиб келди. Смарт карталар орқали болаларнинг ёрдам пули, ишсизлик нафақаси, пенсиялар, коммунал тўловлар, иш ҳақи, товарли кредитлар берилиши мумкин.

3. Пластик карточкалар воситасидаги савдо транзакциялари ҳажмининг ошиши савдо корхоналарининг мажбуриятларини қўпайишига олиб келди.

¹⁶«International Financial Statistics» маълумотлари асосида ҳисобланди.

¹⁷Рудакова О.С. Банковские электронные услуги. – М.: ЮНИТИ, 2001. – С. 107.

Натижада уларнинг қуйидаги мажбуриятлари юзага келди:

- товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш учун пластик карточкаларни қабул қилиш ва авторизация қилиш;
- пластик карточка эгаси шубҳали тугилганда карточкани олиб қуйиш мажбурияти;
- савдо счётларини банкка тўлов учун тақдим этиш;
- мижоз тўғрисидаги конфиденциал маълумотларни ошкор этмаслик;
- пластик карточка билан ҳисоблашганда товарлар ва хизматларни қимматроқ сотишга ўринмаслик.

4. Ривожланган давлатларда нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг умумий ҳажмида пластик карточкалар воситасида амалга оширилган тўловлар салмоғининг юқори эканлиги.

Ривожланган давлатларда пластик карточкалар воситасидаги тўловлар нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмига нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. Хусусан, Канада, Швецария ва АҚШда пластик карточкалар воситасидаги тўловлар нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида салмоғига иккинчи ўринни эгаллайди. Бу ҳолат мазкур мамлакатларда пластик карточкаларга асосланган тўлов тизимининг ривожланганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда, Осиё–Тинч океани ҳудудида, айниқса Япония, Австралия, Жанубий Корея ва Гонг Конг каби давлатларда тўловга алоқадор инфратузилмаларнинг яхши ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, мобил тўловлар ва локал карта тўлов хизматларининг кенгайтирилганлиги сабабли тўлов тизими ва пластик карточкалар тизими яхши ривожланган.

Осиё–Тинч океани мамлакатларида пластик карталар муомалага киргандан сўнг муомаладаги нақд пуллар массаси қисқариб, нақд пулсиз айланма ҳажми ошмоқда. Хусусан, Осиё бўйича нақд пулсиз транзакциялар ҳажми 2020 йилга келиб 301 триллион долларни ташкил этиши прогноз қилинмоқда ва Осиё–Тинч океани мамлакатлари нақдсиз

транзакциялари ҳажми бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари даражасига етиб олиши кутилмоқда. Бундан ташқари, ривожланган давлатларда кутилаётган нақд пулсиз ҳисоб транзакциялар ҳажми нисбатан паст даражада. Масалан, АҚШда нақд пулсиз ҳисоб транзакциялар ҳажми 2020 йилга бориб 123,7 триллион долларни, Европада ушбу кўрсаткич 207,7 триллион долларни ташкил қилиши кутилмоқда¹⁸.

Мисол учун, Жанубий Кореяда 1999 йилда муомаладаги нақд пулларни қисқартириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан солиқ имтиёзлари жорий қилинди. Яъни кредит карточкалари орқали харидни амалга оширган истеъмолчиларга имтиёзлар берилди. Бунда товарлар нархлари нақд пулга қараганда арзонлаштирилди. Савдо нуқталарининг солиқ тўловлари камайтирилди. Шундан сўнг истеъмолчилар илгари нақд пулда харид қилишган бўлишса, эндиликда улар кредит карталари орқали харид қилишни афзал билишди. Натижада, муомаладаги нақд пуллар коэффиценти 4,6 %га тушди.

Мазкур солиқ сиёсати ишлаб чиқилмасдан олдин эса ушбу кўрсаткич 5,2 % эди. 2012 йилнинг 1 апрель ва 2013 йилда ҳолатига келиб муомаладаги нақд пуллар коэффиценти 2,2 %ни ташкил қилмоқда.


Бундан ташқари, кафолатланган чекларнинг муомалада бўлиши ҳам нақд пулларнинг камайишига, электрон тўловларни, жумладан интернет банкинг хизматларини ошишига олиб келган.

Кафолатланган чеклар деярли нақд пул функциясини бажаради. 100 000 вонга тенглашритилиб чиқарилган чекларни салбий томони хавфсизлик нуқтаи назаридан нақд пулга қараганда сохталаштириш имконияти юқоридир. Шу сабабли ҳам сўнгги йилларга келиб, 100 000 вонлик чеклар муомалада камайиб бормоқда.

Муомаладаги **кредит карточкалар**нинг салмоғи бошқа карталарга қараганда жуда юқоридир. Мамлакатда пластик карточкалар орқали амалга


¹⁸ www.vrlfinancialnews.com

оширилган жами транзакцияларнинг 98 %и кредит карточкалар ҳиссасига тўғри келади.



1.3.1-расм. Жанубий Кореяда муомаладаги нақд пуллар коэффицентини солиқ сиёсати таъсирида йиллар бўйича ўзгариши¹⁹.

Мазкур тенденциясининг юзага келишини асосий сабаби 1999, 2001 ва 2005 йилларда ҳукумат томонидан амалга оширилган солиқ сиёсати, шунингдек,, мамлакатда ҳисоб-китоб чеклари ва пластик карточкалар тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлигидадир.



1.3.2-расм: 2013 йилда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда муомаладаги нақд пулларнинг улуши, %да²⁰.

¹⁹ www.google.com/why did the demand for cash decrease recently in Korea?/Byoung Hark Yoo.

²⁰ www.banki.ru/news/bankpress/. Возможно ли будущее без наличных денег?.- 05.04.2012,

Биринчи боб бўйича хулоса

1. Хулоса қилиб айтганда:

- иқтисодий адабиётда пул тизими ва унинг элементларидан фойдаланиш масаласи чуқур тадқиқ қилинган ва тегишли илмий-назарий хулосалар шакллантирилган;

- иқтисодчи олимлар ўртасида пул тизимининг моҳияти ва унинг элементлари хусусида мунозарали илмий-назарий қарашлар мавжуд;

- пулларга бўлган талабни эндоген ва экзоген омиллар белгилайди;

- валюталарнинг алмашув курсларини ўзгариши мамлакатнинг тўлов баланси ва ташқи савдо салоҳиятига бевосита ва кучли таъсир кўрсатади.

- тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, монетар сиёсат орқали муомаладаги пул массасининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, курс сиёсати орқали мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва инфляцияни жиловлаш пул тизими элементларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади;

- ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ва тартибга солиш амалиётининг такомиллашмаганлиги нақд пулларга бўлган талабни юқори даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Бироқ, бу ерда шу нарсани қайд этиш жоизки, тўловга нисбатан юқоридаги билдирилган ҳар иккала фикрда (таърифда) ҳам, бизнинг фикримизча, тўловнинг ташқи намоён бўлиши ўз аксини топган. Тўловнинг ўзига хос бўлган чуқур иқтисодий муносабатларни акс эттириши, унинг алоқалари ва хусусиятлари юқоридаги таърифларнинг чегарасидан четда қолган. Шу иқтисодий муносабатлар амалиётда ўз аксини топиши лозим.

2. Ўзбекистонда нақд пул муомаласи ва унинг мониторингини ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган. Аммо ушбу соҳада эришилган ютуқларга қарамасдан, нақд пул муомаласида бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, ҳалигача нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмаси сезиларли даражада қолмоқда. Мазкур ҳолатлар нақд пул муомаласининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириб боришни тақазо этади.

3. Жанубий Кореяда, қолаверса дунёнинг қатор етакчи мамлакатларида муомаладаги нақд пулларнинг барқарорлигини таъминлаш, уларнинг эмиссиясини қисқартириш ва умуман нақд пул муаммоси асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ривожлантириш орқали ҳал қилинган. Республикамизда ҳам пластик карточкалар тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, пластик карточкалар билан боғлиқ инфратузилмани тулик шакллантиришимиз даркор.

2-бoб. ЎЗБЕКИСТОНДА НАҚД ПУЛ АЙЛАНМАСИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ


2.1. Ўзбекистонда пул айлaнмасини ҳозирги ҳолати ва уни ривожланиш тенденциялари

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олиб бораётган монетар сиёсати миллий валютамизни тўлов қобилиятини оширишга, муомаладаги пул массасини оқилона даражасини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантирган ҳолда пул массасида нақд пулларнинг улушини қисқартириш, уларнинг банкдан ташқари айлaнмаси муаммосини ҳал этиш, шунингдек,, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тўловларни ўз вақтида амалга оширишни самарали ташкил этишга қаратилган. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги ПФ-3047-сонли “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айлaнмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинган.

Шунингдек,, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги 230-сонли “Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2001 йил 22 июндаги 264-сонли “Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг маъсулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2002 йил 5 августдаги 280-сонли “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2003 йил

4 февралдаги 63-сонли “Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2004 йил 24 сентябрдаги ПК-445-сонли “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари нақд пул муомаласини тартибга солишга доирдир.

Юқорида кўрсатилган фармон ва қарорлар ижроси натижасида нақд пул муомаласини тартибга солиш механизми такомиллашди, нақд пул тушуми кўпайди:



2.1.1-расм: Ўзбекистонда ўртача бир ойда банк кассаларига тушган нақд пул тушумлари динамикаси²¹, млрд.сўмда.

2.1.1- расм маълумотларидан кўринадик, 2007 йилда жами нақд пул тушумларининг ўртача ойлик ҳажми 886 млрд.сўм бўлган бўлса, 2014 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 3831 млрд.сўмни ташкил қилган ёки тахминан 4,3 мартага кўпайган. Худди шу таҳлил қилинадиган вақтда савдо ва пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган тушумнинг ўртача ойлик ҳажми 539 млрд.сўмдан 2416 млрд.сўмга ёки қарийб 4,5 мартага ошган. 2007-2013 йиллар мобайнида ўртача бир ойда тушган нақд пул тушуми миқдори ҳамда савдо ва пуллик хизмат кўрсатишдан тушган нақд пул

²¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоботлари.

тушумларининг ўртача ойлик миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу тенденциянинг юзага келиши қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- чакана савдо ва пуллик хизматларнинг нақд пул тушумларини шакллантиришдаги ролининг юқори эканлиги;
- аҳолининг пуллик даромадлари миқдорининг ўсиш тенденциясини мавжудлиги;
- истеъмол товарлари баҳосининг ўсиш ҳолатининг мавжудлиги;
- нақд пулларни самарали мониторинги ва уларни банклардан ташқари айланмасини қисқартириш бўйича Ҳукумат ва Марказий банк томонидан чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларининг қабул қилиниши пул муомаласини такомиллаштириш, муомаладаги нақд пулларни қисқартириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришга, шунингдек,, нақд пуллар устидан самарали мониторинг ўрнатишга имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг «Пластик карт» банклараро инновацион компанияси билан ҳамкорлиги пластик карточкалар асосидаги нақдсиз тўловлар ҳажмининг ошишига, тўловларнинг тезлашишига хизмат қилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан муомалага 10 млн. 819 мингдан ортиқ пластик карточкалар (жумладан, 10 млн. 773 мингдан ортиқ жисмоний шахслар пластик карталари, 31063 дона юридик шахслар

пластик карталари ва 14623 та якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив карталари) муомалага чиқарилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига 129,7 мингдан ортиқ тўлов терминаллари ўрнатилди.

Шу билан бирга, аҳолига пластик карточкалардан нақд пул маблағларини ўз вақтида берилишини таъминлаш мақсадида жойларга 388 та банкомат ва тўловларни узлуксиз қабул қилиш имкониятини берувчи 1345 та инфокиоскалар ўрнатилган.

2.1.1-жадвал

2014 йил 1 январь ҳолатига муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларнинг банклар бўйича таҳлили²²

М	Тижорат банклари номи	Пластик карталар сони	Шундан			Банклар томонидан ўрнатилган терминал	Банклар томонидан ўрнатилган бакоматлар сони	Банклар томонидан ўрнатилган инфокиосклар сони
			Жисмоний шахсларнинг пластик карталари	Юридик шахслар корпоратив карталари	ЯТТларнинг корпоратив карталари			
1	ТИФ Миллий банки	1 882 691	1874563	8128	1863	16722	153	142
2	Саноатқурилишбанк	1 018 539	1016919	1620	31	7672	28	18
3	Агробанк	2 284 209	2283554	655	103	22311	49	126
4	Микрокредитбанк	497 065	496396	669	0	7486	12	28
5	Халқ банк	1 405 957	1404423	1534	2078	19807	28	95
6	Савдогар банк	191 700	191345	355	232	3713	14	9
7	Қишлоққурилишбанк	274 584	274118	466	0	5201	1	33
8	Турон банк	187 893	186828	1065	626	2411	1	24
9	Ҳамкор банк	130 283	128873	1410	1452	5385	0	42
10	Асака банк	1 082 560	1081145	1415	730	10040	44	54
11	Ипак Йўли банк	290 402	288216	2186	1543	3756	18	25
12	Алоқабанк	143 753	142924	829	85	3612	9	32
13	Ипотека банк	1 117 530	1113439	4091	4316	14353	20	93
14	Капитал банк	136 902	134469	2433	687	1924	0	596
15	Бошқа банклар	355 932	351724	4208	877	5307	11	28
	ЖАМИ	11 000 000	10 968 936	31 064	14 623	129 700	388	1 345

²² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳисоботлари.


Юқоридаги таҳлилий жадвалдан кўриниб турибдики, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар ва ўрнатилган терминаллар ҳамда банкоматлар бўйича Агро банк, ТИФ Миллий банки, Халқ банки, Асака банк, Ипотека банк ва Саноатқурилиш банки етакчи ўринни эгалламоқдалар.

Энди ҳудудлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг қулай воситаси бўлмиш пластик карточкаларни муомалага тчиқариш ҳолатини кўриб чиқамиз.

2.1.2-расм: Республика бўйича муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг йиллар бўйича динамикаси²³, минг дона

2.1.2-расм маълумотлари шуни кўрсатадики, республикаимиз миқёсида муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига 2008 йилнинг 1 январига нисбатан 296 фоизга усган.

2.1.3-расм: Республика бўйича ўрнатилган терминаллар сони ва унинг динамикаси²⁴, дона.



2.1.3- расмдан мамлакатимиз миқёсида ўрнатилган терминаллар сони 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига 129700 дона бўлиб, бу 2008 йилнинг 1 январдаги 17922 донага нисбатан 111778 тага ёки 7,3 мартага ўсгани кўринади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларнинг кенгайтириш учун қулай шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми сезиларли даражада ошмоқда, нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасининг қисқаришига эришилмоқда, шунингдек, улар устидан осон мониторинг қилиш имкони юзага келмоқда.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистонда пластик карточкалар, терминаллар, банкоматлар ва инфокиосклар орқали амалга оширилган операциялар²⁵

Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Пластик карточкалар ҳисобварақларига ўтказилган сумма (млрд. сўм)	6 351,00	9 795,50	12419,9	17278
Карточкалар орқали ўказилган тўловлар ҳажми (млрд. сўм), бундан:	6 475,80	9 186,80	11648,2	16300
Свдо, пуллик хизмат, коммунал ва бошқа тўловларда ўтказилган транзакциялар умумий суммаси	5 700,10	8 117,40	10292,2	14306,2
Карточкалар орқали олинган нақд пуллар умумий суммаси	775,7	1 069,40	1474,3	2034,5
Битта карточка орқали савдода ўтказилган ўртача транзакция ҳажми (минг сўм)	720,7	980,8	1333,8	1814.1
Битта ўрнатилган терминал орқали савдода амалга оширилган ўртача транзакциялар ҳажми (млн. сўм)	69,5	86,2	106,9	132.5

2.1.2-жадвал маълумотлари таҳлилидан кўринадики, тижорат банклари орқали амалга оширилган нақд пулсиз тўловлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 1,5 баробарга ошиб, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига 16,3 трлн.сўмни ташкил қилган. Ушбу транзакция суммасининг асосий қисми, 87,8 фоизи савдо, пуллик хизмат ва коммунал хизматлар кўрсатиш соҳалари орқали амалга оширилган. Карточкалар орқали олинган нақд пулларга транзакцияларнинг 12,5 фоизи тўғри келади.

Республикамизда охириги 3 йилда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни 100 фоиздан ортиқ ошганлигини ҳисобга олсак, айрим ҳудудларда пул тушумларини кўпайтириш бўйича мавжуд ички имкониятларидан самарали фойдаланилмаётганлиги оқибатида нақд пулдаги тўловлар жорий тушумлар ҳисобидан таъминланмаяпти. Натижада, банк кассаларига тушаётган пул тушумлари аҳоли ва хўжалик субъектларининг ойма-ой

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

ошиб бораётган нақд пулга бўлган талабини таъминлаш учун етарли бўлмаяпти.

2.2. Ўзбекистонда нақд пул айланмаси мониторингини ташкил этиш

Мамлакатимизда нақд пуллар мониторингини ташкил этиш пул муомаласини соғломлаштириш борасидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки бу пул массасини бошқаришни такомиллаштириш, банкдан ташқари айланмани қисқартириш ва молия интизомига риоя этиш воситаларидан ҳисобланади.

Нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини келиб чиқиш сабабларини аниқлаш уни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 июлдаги 356-сонли “Муомаладаги нақд пулларни камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига кўра Марказий банк ва тижорат банклари томонидан корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга, мулкчилик шаклларида қатъий назар нақд пулларни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни тўлашга, шунингдек, хизмат сафари ҳаражатлари учунгина берилиши белгиланди.

Миллий валюта муомалага киритилган дастлабки ойлardan бошлаб республикада нақд пул эмиссиясини қисқартириш, нақд пуллар устидан қаттиқ назорат ишларини олиб боришга эътибор қаратилди. Шу мақсадда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 октябрдаги 526-сонли “Нақд пул муомаласини тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ушбу вазифаларга оид дастурий чора-тадбирлар белгиланиб амалга оширилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги 230-сонли “Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори республикада нақд пул эмиссия даражасини пасайтириш, республика минтақаларида пул

муомаласини яхшилаш учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида қабул қилинди. Ушбу қарор билан “Республика минтақаларида пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланди. Шу билан бирга, нақд пуллар устидан кунлик мониторинг юритиш мақсадида мулкчилик шаклларида катъий назар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан касса операцияларини юритиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш белгиланди.

Мазкур тартибнинг жорий этилиши банклар, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг пул муомаласи бўйича қонунчиликка риоя этиш борасидаги маъсулиятини ошириб, пул тушумларининг тўлиқ ва ўз вақтида инкассация хизмати орқали банк кассаларига топширилиши ҳамда нақд пулли тўловларнинг муддатида амалга оширилишини таъминлади.

Ривожланишнинг сўнгги ўн йиллигида нақд пулларни самарали мониторинг қилиш мақсадида иқтисодиёт субъектларининг банк ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш борасидаги мавжуд чекловлар босқичма-босқич бутунлай олиб ташланди.

Аввало, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда катнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан тижорат банклари томонидан тайёрлов ташкилотларига аҳолидан, деҳқон ва фермер хўжаликларида харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматида нақд пул бериш тартиби жорий этилди.

Республикамизда пул муомаласини мустаҳкамлаш, нақд пул тушумининг тўлиқ инкассация қилинишини таъминлаш, тижорат банкларининг хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш

борасидаги маъсулиятини ошириш ва тижорат банкларига нисбатан ишончни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 264-сонли “Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг маъсулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан инкассация хизмати нақд пуллар маблағларни инкассация қилиш бўйича хизматларни воситачилик тўловлари ундирмасдан амалга ошириши, кейинчалик мазкур харажатлар тижорат банклари томонидан қопланиши ва тижорат банкларига нисбатан банкларда ҳисоб рақамларни ўз вақтида очиш, миқдорларга ўз вақтида нақд пул бериш, уларнинг ҳисоб рақамларига маблағларни ўтказиш ва қўчиришнинг талабларнинг бузганликлари учун зарар кўрган томонга тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорини 0,1 фоизигача жарима тўланиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли “Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъий назар корхоналар ва ташкилотларнинг иш ҳақлари товарлар билан натура шаклида тўланиши таъқиқланди ҳамда тегишли равишда банкоматлар тармоғини кўпайтирган ҳолда электрон пластик карточкалар востисида иш ҳақи тўлашга доир банк хизматлари ҳажмини кенгайтириши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли Қарори билан пул муомаласига оид муҳим эркинлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъий назар хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларидаги ўз ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини топширилган нақд пул тушум доирасида белгиланган тартибда биринчи талаб бўйича олиш ҳуқуқи берилди. Шу билан бирга, 2002 йил 1 октябрдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона

ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашга йуналтириладиган маблағларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинди.

Ушбу қарор билан 2002 йил 5 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини инкасса қилишда инкасса гуруҳи таркибига давлат солиқ хизматининг инкасса қилинадиган объектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари мажбурий тартибда киритилди.

Шунингдек, 2003 йил 1 январдан бошлаб банк тизими ва пул муомаласидаги янги босқич пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар ривожланган тизими шакллана бошлади ва Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида пластик карточкалар орқали иш ҳақи тўланиши йўлга қўйилди.

Мазкур Фармон ва Қарорларда белгиланган топширик ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектларига, уларнинг депозит ҳисобварақларда маблағлари мавжуд бўлган ҳолларда, меҳнатга ҳақ тўлаш ва конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пулни ўз вақтида таъминлаш ишлари йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли “Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан касса режаларини шакллантириш ҳамда нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларни рағбатлантиришнинг шаклланган тизими 2003 йил 1 февралдан бошлаб бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида” 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли пул муомаласини барқарорлаштириш, эркинлаштириш ва нақд пулларни ўз вақтида берилиши бўйича мониторинг ишларини такомиллаштиришда муҳим босқич бўлди. Ушбу қарор ижроси юзасидан Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларида нақд пул маблағлари берилиши мониторинги бўйича махсус бошқарма ва бўлинмалар ташкил қилинди.

Ушбу бўлинмаларга кундалик нақд пул маблағлари келиб тушиши устидан доимий мониторингни амалга ошириш, нақд пул захиралари ҳолати ва улардан фойдаланишни тезкорлик билан бошқариш, банк мижозларининг нақд пул маблағларини чекловсиз ва узлуксиз бериш масалалари бўйича мурожаат ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш вазифалари юклатилган. Мазкур бўлинмаларга нақд пулларни бериш масалаларига тезкорлик билан эътибор қаратиш учун ҳар бир минтақада мижозларнинг аризаларини, шу жумладан "ишонч телефони" орқали мурожаатини кўриб чиқиш ва келиб тушаётган мурожаатлар дарҳол текширилишини ташкил қилиш вазифалари юклатилди.

2.2.1-жадвал

Республика Марказий банки ва Ҳудудий Бош бошқармалари
“Ишонч телефонлари”га ва ёзма равишда келиб тушган нақд пулга
доир асосли ариза ва шикоятлар тўғрисидаги маълумот²⁶, дона.

Худудлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й	2013 й
Коракалпогистон Республикаси	83	86	49	36	19	21
Андижон	31	42	23	20	12	15
Бухоро	21	49	40	30	23	21
Жиззах	32	96	53	26	25	23
Кашкадарё	57	78	48	104	48	46
Навоий	44	43	26	21	18	19
Наманган	33	36	39	27	15	17
Самарканд	26	52	28	6	14	11
Сурхондарё	96	110	61	50	54	42
Сирдарё	24	47	32	41	18	19
Тошкент вил.	93	216	106	30	39	36
Фаргона	25	79	51	30	28	26
Хоразм	43	63	108	49	21	22
Тошкент ш.	323	648	336	66	78	84
Жами	931	1 645	1 000	536	412	402

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

2.2.1-жадвал маълумотини таҳлил қилсак, 2008 йилда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларидан нақд пул масаласи бўйича 931 та, 2009 йилда 1645 та, 2010 йилда 1000 та, 2011 йилда 536 та, 2012 йилда 412 та ва 2013 йилда эса жами 402 та шикоятлар қабул қилинган. Мазкур шикоятлар 2005 йил 5 августдаги 147-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган Махсус бошқарма ва бўлинмалар томонидан ижобий ҳал қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ҳукумат билан биргаликда нақд пул муомаласини барқарорлигини таъминлаш мақсадида муайян чора-тадбирларни амалга ошираётганлиги натижасида шикоятлар сони йилдан йилга сезиларли даражада камаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-822-сонли “Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори республикамизда пул муомаласини тартибга солиш ва мониторинг қилишга оид сўнгги йиллардаги Президентнинг Фармонлари ва Қарорларида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мижозларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш учун тижорат банкларининг нақд пулларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, шунингдек,, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тадбирлари амалга оширилиши муносабати билан нақд пул маблағларини банк айланмасига қўшимча равишда жалб қилиш мақсадида, 2008 йил 1 апрелдан бошлаб тижорат банклари ва уларнинг филиаллари кассаларида нақд пул захираларининг энг кам миқдорини тижорат банклари мижозларининг нақд пул маблағларига бўлган икки кунлик эҳтиёжлари даражасида белгилаш тартиби жорий этилди.

Бироқ, кўпгина тижорат банклари томонидан ушбу қарор ижросига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Таҳлиллар натижасида шундай хулосага келдикки, кўпчилик банк филиаллари нақд пул захираларининг энг кам миқдorigа ўрнатилган лимитга ой давомида риоя этмасдан, фақатгина

ойнинг охирги санасида лимит доирасида шакллантирмоқдалар. Хусусан, мазкур салбий ҳолатлар ТИФ Миллий банки, Агро банк, Халқ банки, Микрокредит банк, Ҳамкор банк ва Туркистон банк филиалларида кўпроқ учрайди.

Республикамизда банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш, пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш ва нақд пул муомаласини тартибга солишга доир фармон ва қарорлар асосида таъсирчан ва самарали чора-тадбирлар белгиланди. Буларни амалга ошириш натижасини ўтказилган мониторинглар бўйича ўрганамиз:

2.2.2-жадвал

2013 йил давомида уртача бир ойда банк кассаларига тушум прогнозига нисбатан кам нақд пул топширган ва умуман топширмаган хўжалик субъектлари тўғрисидаги маълумот таҳлили²⁷, млн. сўм

Худудлар номи	Белгиланган прогнозга нисбатан кам топширган хўжалик субъектлари		Банк кассаларига умуман нақд пул топширмаган хўжалик субъектлари	
	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
Қорақалпоғистон Республикаси	2 841	11 896	17	137
Андижон вил.	2 905	21 675	322	1 984
Бухоро вил.	3 511	24 152	208	1 245
Жиззах вил.	2 659	12 452	18	54
Қашқадарё вил.	4 118	26 921	45	486
Навоий вил.	2 411	16 006	47	299
Наманган вил.	2 311	22 394	198	1 683
Самарқанд вил.	5 467	32 125	321	1 539
Сирдарё вил.	1 802	8 256	16	83
Сурхондарё вил.	3 184	21 610	281	1 445
Тошкент вил.	4 624	28 312	201	998
Фарғона вил.	4 844	43 126	101	825
Хоразм вил.	1 863	6 824	146	421
Тошкент шаҳар	13 917	160 340	745	8 821
Жами	56 457	436 089	2 666	20 020

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

2.2.2-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2013 йилда республикаимиз бўйича 56457 та хўжалик субъекти ўртача бир ойлик нақд пул тушуми прогнозини 436,1 млрд.сўмга кам бажарган бўлса, 2666 та хўжалик субъекти тижорат банкларининг кассаларига умуман нақд пул топширмаган.

Йил давомида ўртача ойлик нақд пул тушуми прогнозини кам бажарган хўжалик субъектларининг 13917 таси ёки 24,6 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади. Булар прогнозга нисбатан 160,3 млрд.сўм кам нақд пул топширганлар, бу республикаимиз бўйича бажарилмаган сумманинг 36,7 фоизини ташкил этади. Шунингдек, банк кассаларига умуман нақд пул топширмаган хўжалик субъектларининг 2666 таси ёки 27,9 фоизи Тошкент шаҳри тўғри келади. Улар 8,8 млрд.сўм нақд пулни банк кассаларига умуман топширмаганлар, бу республикаимиз бўйича топширилмаган нақд пулларнинг 34,8 фоизидан иборатдир. Ушбу ҳолатлар муомаладаги нақд пулларнинг банк айланмасига жалб этиш борасидаги муаммоларнинг мавжудлигидир.

Нақд пул тушумларини тижорат банклари кассаларига умуман топширмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий кўлами Тошкент шаҳрида, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё, Тошкент ва Наманган вилоятларига тўғри келади. Бу эса, ушбу вилоятларда ва Тошкент шаҳрида нақд пулларни банк кассаларига тушиши бўйича Худудий Пул-кредит комиссиялари, ҳокимликлар, солиқ идоралари, тижорат банклари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан етарли даражада мониторинг ишларини олиб борилмаётганлиги нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмаси салмоғи юқорилигича қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини мавжудлиги ва уни умумий иқтисодий жараёнларга салбий таъсир этиши ушбу муаммони келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уни бартараф этиш ҳамда бу борада тегишли мониторинг ишларини

амалга оширишни тақазо этади. Таҳлил натижалари кўра ушбу муаммонинг бир неча сабаблари мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги асосий омиллар билан ифодалашимиз мумкин:

- мамлакатимиз иқтисодиётида умумий пул айланмасида нақд пулларнинг салмоғи юқори бўлиб қолмоқда;
- пластик карточкаларга асосланган тўлов инфратузилмаси етарли даражада шаклланмаганилиги;
- савдо ташкилотлари томонидан савдо қилиш тартибини бузилишига ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банклари кассаларига нақд пулдаги тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ топширмаслигига йўл қўйилиши;
- банклар томонидан депозит сиёсатини олиб борилиши етарли даражада эмаслиги;
- "Интернет" глобал компьютер сетидан тўлов тизимини ривожлантиришда самарали фойдаланмаганлиги;
- миллий электрон савдо тизими етарли даражада ривожланмаганлиги.

2.3. Ўзбекистонда нақд пулларнинг бандан ташқари айланмасини қисқартириш имкониятлари

Тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлашда банкдан ташқари айланмаларнинг салмоғини камайтириш муҳим омиллардан ҳисобланади. Банкдан ташқари айланмаларнинг вужудга келиши иқтисодиётда ижтимоий–иқтисодий жиҳатдан бир қатор зиддиятли ҳолатларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Ҳозирги пайтда ушбу масала бозор иқтисодиётига ўтаётган ва ривожланаётган мамлакатларда жиддий муаммо сифатида иқтисодиётнинг барқарорлиги ва миллий валютанинг харид қилиш қобилятига салбий таъсир ўтказмоқда.

Банкдан ташқари нақд пул айланмаси ҳажмининг ортиб бориши иқтисодиётда турли муаммоларни келтириб чиқаради.

Жумладан:

–тижорат банкларининг ресурсларга бўлган эҳтиёжи етарли равишда қондирилмаслиги. Маълумки, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пуллар ўзининг бошланғич нуқтасига қайтиб келмаслиги банкларнинг ресурс базасига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида тижорат банклари реал секторни кредитлашда ресурсларнинг етишмовчилиги, омонатларга тўланадиган тўловлар миқдорининг ошиб кетиши, бу эса ўз навбатида кредитлар фоизининг ортишига олиб келади.

–пул массасининг товар массасига нисбатан ўсиши тезлашуви. Марказий банк пул–кредит сиёсати орқали иқтисодиётда пул массаси ва товар массаси ўртасидаги мувозанатликнинг тегишли меъёрини таъминлайди. Маълумки, иқтисодиётда пул массасининг ҳажми товар массаси ҳажмига нисбатан ортиб кетиши мамлакатда баҳоларнинг ўсишига ва сўмнинг сотиб олиш қобилияти тушишига олиб келади.

Халқаро банк амалиёти ва хўжалик юритиш тажрибасидан маълумки, миллий валютани сотиб олиш қобилиятининг тушиб кетиши иқтисодиётда инфляция даражасининг ошишига ва мамлакатда ишсизлик даражасининг пасайишига олиб келади ва аксинча.

Банкдан ташқари айланмалар ҳажмининг ортиши Марказий банкнинг ушбу сиёсати ўз аҳамиятини деярли тўлиғича йўқотади.

–миллий валюта курсининг хорижий валютага нисбатан пасайиши. Банкдан ташқари айланмалар муомалада товар–моддий қийматликлари билан таъминланмаган миллий валюта массасининг ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида унинг хорижий валюталарга нисбатан курсининг тушиб кетишига олиб келади.

–қонун доирасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар рақобатбардошлигининг пасайиши натижасида хуфёна йўл билан бизнесни ташкил этишга бўлган мойилликнинг кучайиши.

Маълумки, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича ҳисоб–китоблар пул кўчириш йўли билан амалга оширилишининг зарурлиги қонуний асосда белгилаб қўйилган. Тадқиқотлар натижаси ва амалиётдаги тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда товарларни сотиш ва сотиб олиш ҳамда хизматлар кўрсатишда нақд ва пул кўчириш ўртасида сезиларли равишда фарқ вужудга келмоқда.

Яъни, товарлар ва кўрсатиладиган хизматларга ҳисоб–китоб нақд пулсиз амалга оширилганда уларнинг баҳоси 5–10 фоизгача қиммат бўлмоқда. Агар ҳисоб–китобларнинг нақд пулда амалга оширилиши қонуний жиҳатдан таъқиқланганлигини эътиборга оладиган бўлсак, қонуний йўл билан ишлаётган корхоналар, яъни товар ва хизматларни нақд пулсиз ҳисоб–китоб асосида таклиф этаётган корхоналар ушбу рақобатда иқтисодий манфатдорликка эришиш учун ноқонуний йўл билан бўлсада, товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишни нақд пулда амалга ошириш йўллари излаб топишга ҳаракат қилишади. Буларнинг барчаси хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига замин яратади.

–қонун доирасида фаолият юритаётган фирмаларнинг солиқларни ва ижтимоий тўловларни тўлаши билан боғлиқ муаммолар. Кейинги йилларда жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобидан олинадиган солиқ юкини камайтираётганлигига қарамасдан, нақдлаштириш ҳолатининг мавжудлиги кузатилади ва бу жараён хўжалик юритувчи субъектлар томонидан турли хил ноқонуний йўллар билан амалга ошириб келинмоқда. Масалан, тижорат фирмаларининг ходимларига иш ҳақи беришда солиқ тўловларидан ва банкдан нақд пулларни олишдаги муаммолардан қочиш мақсадида ноқонуний йўллардан фойдаланиш ҳолатлари содир этилмоқда. Бу ҳолат тижорат фирмага бир жиҳатдан банкдан нақд пул олиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш имкониятини берса, иккинчи жиҳатдан турли тўловларни амалга оширмаганлиги ҳисобига унинг иқтисодий жиҳатдан манфаатдорлигини ҳам оширади.

Масалан, «А» тижорат фирмаси ўз ишчисига 85000,0 сўм иш ҳақи бериш учун тўлайдиган қўшимча тўловлар билан бирга ташкил топадиган харажатлар миқдорини қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз.

2.3.1-жадвал жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «А» тижорат фирмаси ходимга 85000,0 сўм миқдорида иш ҳақи бериш учун ҳисобварағидан жами 124500,0 сўм чиқим қилиши зарур бўлмоқда. Агар «А» тижорат фирмаси ноқонуний йўллар билан ҳисобрақамидаги нақдсиз пулни нақдлаштириш ҳисобига ўз ходимига 85000,0 сўм берадиган бўлса, ушбу ҳолатда бевосита нақдлаштириш билан шуғулланадиган фирманинг ҳисобварағига 97000,0сўм ўтказиши кифоя бўлади.

Келтирилган шартли мисолдан кўриниб турибдики, «А» тижорат фирмаси қонуний йўл билан ўз ходимига 85000,0 сўм иш ҳақи берганда барча тўловлар билан умумий харажат миқдори 124500,0 сўмни ташкил этди, агар ноқонуний йўл билан нақдлаштириш орқали ушбу маблағни берганда эса 97000,0 сўм ёки 27500,0 сўм миқдорида тежаб қолиш имкониятига эга бўлди.

2.3.1-жадвал

«А» тижорат фирмасининг иш ҳақи бўйича шартли ҳисоб-китоби²⁸

№	Ҳисоб-китоблар	Ставкаси % да	Сумма
1	Ҳисобланган ойлик маоши суммаси		100 000,00
2	Ҳисобланган иш ҳақи		100 000,00
3	Жисмоний шахсининг иш ҳақидан тўланадиган мажбурий тўловлар, шундан		15 000,00
4	Даромад солиғи	6,5	6 500,0
5	Касаба уюшмаси бадали	1	1 000,00
6	Мажбурий суғурта бадали	6,5	6 500,00
7	Жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси	1	1 000,00
8	Қўлга олинадиган нақд пул		85 000,00
9	Корхона томонидан ижтимоий солиқларга тўловлар, шундан		24 000
10	Пенсион фондга ажратма	24,5	24 500
11	Бандлик фондига ажратма	0,03	300
12	Касаба уюшмалари Федерациясига	0,2	200
13	Корхонанинг ҳисоб рақамидан ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа мажбурий тўловлар жами суммаси (2+9)=13		124 500,0

²⁸ Муаллифнинг ҳисоб-китоби.

Шу билан бирга, «А» тижорат фирмаси банкдан нақд пул олиш учун банкка камида икки марта боришини, «тегишли муомала»ни амалга оширишини, йўқотадиган вақтини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг учун нақдлаштириш орқали ўз ходимига иш ҳақини бериш янаям самаралироқ эканининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Биз мисол тариқасида кўриб чиққан ҳолат иш ҳақини ҳисоблаш ва бериш билан боғлиқ операциялар ҳисобланади, лекин ушбу операциялар катта ҳажмда товарларни сотиш ва сотиб олиш ҳамда хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ операцияларда ҳам амалга оширилаётганлиги амалиётдан маълум. Буларнинг барчаси давлат бюджетига тушаётган маблағлар суммасининг қисқаришига, банкдан ташқари айланмалар ҳажмининг ортишига, миллий валюта барқарорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Халқаро тажриба ва тадқиқотлар натижасидан маълумки банкдан ташқари айланмаларни тўлиғича бартараф этишнинг имконияти мавжуд эмас. Яъни банкдан ташқари айланмалар иқтисодиётда мавжуд бўлган инфляция, ишсизлик каби маълум даражада сақланиб туради. Мутахассислар ва масъул ходимларнинг асосий вазифаси банкдан ташқари айланмаларнинг умумқабул қилинган меъёрини (асосан 5–10 фоиз атрофида) таъминлаб туришдан иборатдир.

Шу нуқтаи назардан, мазкур параграф доирасида амалга оширилган тадқиқотлар ва амалиётда мавжуд иқтисодий ҳолатларга таянган ҳолда, банкдан ташқари айланмаларнинг ҳажмини камайтириш юзасидан қуйидаги хулоса ва тавсияларни шакллантирдик:

–мантиқий таҳлилларга таяниб айтишимиз мумкинки, республикаимиз иқтисодиётида банкдан ташқари айланмаларнинг ҳажми ҳар йили 20–23 фоиз атрофида ортиб бормоқда. Худудлар бўйича энг юқори даража Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Сирдарёнинг ҳиссасига тўғри келади;

–банкдан ташқари айланмалар ривожланаётган, шунингдек, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга ҳам хос жараён бўлиб, уни тўлақонли бартараф этишнинг имконияти мавжуд эмас. Чунки, халқаро терроризм, наркотика ва хуфёна иқтисодиётнинг мавжудлиги бевосита пул маблағларни банкдан ташқари айланмалари орқали ҳисоб–китобларни амалга оширишни талаб этади;

–иқтисодиётда банкдан ташқари айланмаларни вужудга келишининг асосий сабаби аҳоли ва мижозларнинг банкларга бўлган ишончи йўқолиши, хўжалик субъектлари фаолиятини ташкил этишдаги маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги билан изоҳланади;

Банкдан ташқари айланмалар ҳажмини қисқартириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Банкларнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришига эришиш лозим. Тижорат банклари мижозлар олдидаги мажбуриятларини тўхтовсиз ва тўлиқ бажармаслиги уларга нисбатан ишончнинг йўқолишига олиб келади. Бунда асосий эътибор мижозларнинг ҳисобварақларидаги маблағларни уларнинг талабига мувофиқ истаган пайтда ва миқдорда эътироф этиш, нақд пул ва кредитга бўлган талабини тўлиқ қондиришга қаратилиши лозим.

2. Аҳоли, инвестор ва мижозларнинг банкка ишончини мустаҳкамлаш лозим. Ҳозирги шароитда банк тизимига нисбатан аҳоли, инвестор ва мижозларнинг ишончини мустаҳкамлаш жуда оғир масалалардан ҳисобланади.

3. Мижозлар ҳисобварақлари бўйича маблағларнинг қолдиғи ва айланмалари ҳақида банк сири сақланишини таъминлаш зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида бизнеснинг муваффақиятга эришишининг гаровидан бири тижорат сири ҳисобланади. Банклар мижозларнинг ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи молиявий муассаса сифатида хўжалик юритувчи ташкилотларнинг барча пул маблағлари ҳаракат ва қолдиғи ва фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади. Банк хўжалик

юритувчи субъектнинг бизнес ҳамкори сифатида уларнинг барча молиявий ҳолати, стратегик имконияти ҳамда бизнес фаолияти маълумот ва ахборотни сир сақлаши шарт. Акс ҳолда мижозларнинг уларга нисбатан ишончи йўқолиши натижасида банкдан ташқари айланмалар ҳажмининг ортиб бориши, омонатлар миқдорининг камайиши ва бошқа шу каби салбий ҳолатларнинг вужудга келишига асос бўлади.

4. Банкда омонатларни сақлашнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш керак. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай фаолиятнинг мақсади иқтисодий жиҳатдан наф кўриш, фойда олишга ва унинг миқдорини кўпайтиришга қаратилади. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, юридик ва жисмоний шахслар банклардаги омонатларининг ўзаро келишилган муддатларда тўлиқ қайтиши билан бирга, қўшимча фойда ҳам олиб келишига катта умид боғлайди. Айнан шу умид уларни банкларга ўз пул маблағларини турли хил омонат шаклларига қўйишга ундайди. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мазкур масала ўзининг ижобий ечимини топмаяпти, жисмоний ва юридик шахсларнинг банкларга қўйилган пул маблағларининг эътироф этилиши юзасидан муаммолар вужудга келмоқдаки, бу эса банкларга бўлган ишончни пасайтириб, маблағларнинг банкдан ташқари айланмалари ҳажмининг кўпайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида банкдан ташқари пул айланмаларини қисқартириш йўллари тақомиллаштириш мақсадида тадқиқотлар давомида бир қатор амалий тадбирлар ишлаб чиқилди. Бизнинг фикримизча қуйида келтирилган таклифлар банкдан ташқари пул айланмаларини қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан:

1. Инфляция даражасини, қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира ставкаларини пасайтириш ҳамда тижорат банклари кредитларининг номинал фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш йўли билан монетизация коэффициенти даражасини босқичма-босқич ошириб бориш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда бир маълумот келтирмоқчимиз.

Айрим давлатларда монетизация коэффиценти даражаси²⁹, фоизда

Давлатлар	Йиллар							
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
АҚШ	80	89,7	86,1	90,1	60,4	60,1	60	60,1
Япония	101,6	142,1	140,1	139,1	159,1	162,4	163,1	167,2
Буюк Британия	101,2	96,2	98,8	104,7	142,5	149,5	151,4	153,6
Россия	27,1	33,4	36,7	31,7	40,5	45,3	47,5	49,9
Ўзбекистон	14,3	14,9	17,3	18,8	20	21	21,4	22

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, республикамызда тараққий этган давлатлар монетизация коэффицентида сезиларли даражада паст. Халқаро валюта фонди экспертлари тавсиясига кўра, монетизация коэффиценти камида 30-33 фоиз бўлиши лозим.

Инфляция даражасини, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира ставкаларини пасайтириш монетизация даражасини ошириш пул айланмасини барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Инфляция даражасини пасайтириш Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини пасайтириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари кредитлаш фоиз ставкаларининг пасайишига замин яратади. Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиши кредитлаш ҳажмининг ошишига олиб келади.

Фикримизча, инфляцияни жиловлаш учун қуйидагиларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг ўсиши бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгилаш;
- Марказий банк Молия вазирлиги билан келишган ҳолда инфляцион таргетлашни қўллаш;
- истеъмол товарлари бозорини тўлдиришни таъминлаш орқали улар баҳоларининг юқори суръатларда ўсишига чек қўйиш;

²⁹ Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикасида пул тизими элементларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2011. – 19 б.

- пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш.

Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати орқали тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларига таъсир этишни кучайтириш мақсадида, фикримизча, қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- тижорат банкларига бериладиган марказлашган кредитлар ҳажмини ошириш лозим;

- Тижорат банкларининг Марказий банкдаги берилган кредитларнинг эҳтимолий юқотишларга қарши захира фонди фоизларини пасайтириш билан тижорат банкларининг кредитлаш имкониятини кенгайтириш;

- марказлашган кредитларни кредит аукционидан ташқарида сотилишини таъқиқлаш;

- Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг мослашувчанлик даражасини ошириш лозим.

Хусусан, тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улуши таҳлил қилинган давр мобайнида ўсиш тенденциясига эга бўлди. 2008 йилда узоқ муддатли кредитларнинг банкларнинг кредит портфелидаги улуши 78,2 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2010 йилда – 78,6%, 2011 йилда-75,0%, 2012 йилда эса, 74,6 фоизни, 2011 йилда 76,8 фоизни ташкил этди³⁰.

Марказий банкнинг мажбурий захира ставкасини пасайтириш тижорат банкларининг ресурс салоҳиятини оширишга хизмат қилади ва ликвидлилик даражасини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Республикамиз Марказий банкининг мажбурий захира ставкаси ҳақиқатдан ҳам юқоридир. Масалан, Европа Марказий банкининг мажбурий захира ставкаси 2,0 фоизни, Россия Марказий банкининг мажбурий захира ставкаси эса, 2,5 фоизни ташкил этади³¹.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

³¹ “www.ecb.eu” ва www.cbr.ru сайтлари маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкаларини пасайтириш учун қуйидаги объектив сабаблар мавжуд:

- республикамиз тижорат банклари кредитларининг ЯИМдаги салмоғи даражасининг паст эканлиги;

- тижорат банкларининг кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда ошириш бўйича аниқ вазифаларнинг қўйилганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2011-2015 йилларда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш мақсадида тижорат банклари томонидан бериладиган узоқ муддатли инвестицион кредитлар ҳажми 2,8 мартага оширилиши керак.

Тижорат банклари кредитларининг номинал фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини узлуксиз ва барқарор суръатларда ошиб бориш имконини яратади. Бу эса, ўз навбатида, республикамиз иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини босқичма-босқич ошириб бориш имкониятини яратади.

Ўз навбатида, монетизация даражасининг ошиши:

- хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик муаммосини ҳал қилиш имконини беради;

- макроиқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади;

- пулнинг айланиш тезлигини оширади.

2. Пул-кредит инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш ва пул бозорини ривожлантириш ҳисобига муомаладаги пул массаси ўсиш суръатларининг товар ва хизматлар ҳажмининг ўсишига нисбатан барқарорлигини таъминлаш зарур.

Пул-кредит инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш йўли билан муомаладаги пул массаси ўсиш суръатларининг товар ва хизматлар ҳажмининг ўсишига нисбатан барқарорлигини таъминлаш учун, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Марказий банкнинг очик бозор операциялари объектлари сонини халқаро рейтинг агентликлари бўлган – Стандарт энд Пурс ва Мудис агентликларининг юқори рейтинг балларига эга бўлган эмитентларнинг облигациялари ҳисобига ошириш зарур;

- марказлашган кредитлар ҳажмини ошириш зарур;

- Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаларини пасайтириш;

- Марказий банкнинг валюта сиёсати доирасидаги операциялар ҳажмини ошириш лозим.

- Марказий банкнинг депозит операциялари ҳажмини ошириш.

Марказий банк томонидан бериладиган марказлашган кредитлар миқдорининг кам бўлиши унинг ссуда капиталлари бозоридаги иштирокининг фаол эмаслигидан далолат беради.

Марказий банк ссуда капиталлари бозорида ўзининг ресурслари билан тўлақонли иштирок этиши зарур. Акс ҳолда, Марказий банк ссуда капиталлари бозоридаги мувозанатга таъсир эта олмайди.

Марказий банк депозит операциялари ҳажмини ошириш муомаладаги пул массасининг ўсиш суръатларини пасайтириш имконини беради.

Пул бозорини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки, ҳозирги кунгача тўлақонли пул бозори шаклланганлиги йўқ. Ўзбекистон Банклари ассоциацияси томонидан эълон қилинаётган пул бозори ставкалари реал эмас, аниқроғи, тижорат банклари томонидан берилган фоиз ставкалари тўғрисидаги маълумотларга асосланган. Яъни, мазкур ставкалар тижорат банклари ўртасидаги реал ресурслар олди-сотдисини акс эттирмайди.

Шу сабабли, пул бозорини ривожлантиришнинг дастлабки ва устувор йўналиши кредит ресурсларининг реал савдосини ташкил қилиш, деб ҳисоблаймиз.

Пул бозорини ривожлантиришнинг кейинги йўналиши, нигоҳимизда, Марказий банкнинг пул бозорида тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида ўз ресурслари билан иштирок этиши ва шунинг асосида пул бозори ставкаларига реал таъсир этиши ҳисобланади.

3. Миллий валютанинг кадрсизланиш суръатини пасайтириш мақсадида Марказий банкнинг своп операциялари орқали ички валюта бозорида хорижий валюталарга бўлган талабни қисқартириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида янги техника ва технологияларни иқтисодиётнинг реал секторига жалб этилаётганлиги хорижий валюталарга бўлган талабнинг ошишига олиб келмоқда. Бундай шароитда Марказий банкнинг валютавий своп операцияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ички валюта бозорида хорижий валюталарга бўлган талабни сезиларли даражада қисқартириш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, валютавий своп операциялари Марказий банк томонидан қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим:

- қисқа муддатли даврий оралиқларда хорижий валюталарга бўлган талабни камайтириш мақсадида Марказий банкнинг валюта маблағларини спот шарти бўйича сотиш ва уларни форвард шарти бўйича сотиб олиш;

- тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағларини камайтириш мақсадида уларга АҚШ долларини Марказий банк томонидан спот шарти бўйича сотиш ва долларни форвард шарти бўйича сотиб олиш;

- хорижий Марказий банклардан АҚШ долларини форвард шарти бўйича сотиб олиш ва уларни республиканинг ички валюта бозорида спот шарти бўйича сотиш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Адлия вазирлигида 2008 йил 24 июлда 1839-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомига мувофиқ, валютавий своп операцияси: Марказий банк ва ваколатли банклар ўртасида, ваколатли банклар ўртасида ўзаро, своп битими жорий халқаро операциялар билан боғлиқ бўлган тақдирда, банк мижозлари ва ваколатли банклар билан амалга оширилиши мумкин.

Валютавий своп операцияларида битим валютаси ва баҳоловчи валютадаги фоиз ставкаларининг ўзгариши муҳим ўрин тутди. Шуниси характерлики, “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан:

- сўм бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида ёки Ўзбекистон банклари ассоциациясининг банклараро кредит ставкаси бўйича олинади;

- АҚШ доллари учун - АҚШ Федерал захира тизими фоиз ставкалари (Federal funds target rate);

- Евро учун - Европа Марказий банки қайта молиялаш ставкаси (Minimum bid rate at refinancing tender);

- Англия фунт стерлинги учун - Англия банкининг банк ставкаси (bank rate);

- Япония иенаси учун - Япония банкининг "овернайт" (overnight funding rate) қайта молиялаш ставкаси;

- Швейцария франки учун - Швейцария Миллий банкининг швейцария франкида 3 ойлик Либор ставкаси (3 month Swiss Libor).

4. Нақд пул муомаласини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

- мамлакатимиз тўлов амалиётига “on-line” режимида ишлайдиган пластик карточкаларни жорий этиш;

- пуллик чеклар муомаласини жорий этиш ва улар орқали амалга ошириладиган тўловларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан тўланишини йўлга қўйиш;

- пуллик чек эмитентининг жорий ҳисобрақамида пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, нақд пулларда ўз вақтида тўланишини таъминлаш йўллари таклиф қилинди.

Республикамизда пуллик чеклар муомаласи мавжуд эмас. Бунинг устига, пластик карточкалар орқали ўтаётган тўловларнинг асосий қисми технологик жиҳатдан анча эски ҳисобланган “Дуэт” тизимидаги карточкаларда амалга оширилмоқда. Ушбу карточкалар “of-line” режимида ишлайди. Фикримизча, республикамиз тўлов амалиётига фақат “on-line” режимида ишлайдиган пластик карточкаларни жорий этиш лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган республикамизда ишлаб чиқариладиган пластик карточкаларни (камида йилига 500 минг дона) тўлиқ “on-line” режимида бўлишини таъминлаш лозим. Бундан ташқари, пуллик чеклар орқали амалга ошириладиган тўловларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан тўланишини йўлга қўйиш ва уларни эмитентнинг жорий ҳисобрақамида пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, нақд пулларда ўз вақтида тўланишини таъминлаш лозим.

Пуллик чекларни нақд пулларда тўланишини таъминламаслик уларга бўлган ишончсизликни юзага келтиради. Бу эса, улар орқали амалга ошириладиган тўловлар ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади.

Тараққий этган мамлакатларда пуллик чеклар муомаласи самарали ташкил этилган. Айниқса, Ғарбий Европа мамлакатларида пуллик чекларга асосланган тўловлар амалиёти такомиллашган.

Шуниси аҳамиятлики, Ғарбий Европа мамлакатларида пуллик чеклар воситасида ҳисоб-китоб қилишда тижорат банкларининг кредитларидан фаол тарзда фойдаланилади. Бунда, асосан, банкларнинг овердрафт кредитларидан ва кредит линияси орқали бериладиган муддатли кредитларидан фойдаланилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам жисмоний шахс учун кредитлаш лимити белгиланади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг кўпчилигида, шу жумладан, МДХ давлатларида аҳоли пуллик тўловларининг сезиларли қисми нақд пулларда амалга оширилади. Бу жуда муҳим ва пуллик чеклар муомаласини ташкил қилишда эътиборга олинadиган омил ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, пуллик чекларни нақд пулда тўлаб беришнинг кечикиши уларга бўлган ишончга путур етказади. Шунинг учун Марказий банк томонидан пуллик чекларни ўз вақтида нақд пулларда тўланиши доимий назорат остига олиниши лозим.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда:

1. Нақд пулларни самарали мониторинги ва уларни банклардан ташқари айланмасини қисқартириш бўйича Ҳукумат ва Марказий банк томонидан чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги мамлакатимизда пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларнинг кенгайтириш учун қулай шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми сезиларли даражада ошмоқда, нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасининг қисқаришига эришилмоқда, шунингдек, улар устидан осон мониторинг қилиш имкони юзага келмоқда аммо бу муаммонининг ечими дегани эмас.

Бизнинг фикримизча, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқиляётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётда ўз аксини тўла намоён қилиши учун, аҳолининг муносабатларини тубдан ўзгартириб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошириш лозим;

2. Мамлакатимизда нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини мавжудлиги ва уни умумий иқтисодий жараёнларга салбий таъсир этиши ушбу муаммони келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уни бартараф этиш ҳамда бу борада тегишли мониторинг ишларини амалга оширишни тақозо этади. Таҳлил натижалари кўра ушбу муаммонинг бир неча сабаблари мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги асосий омиллар билан ифодалашимиз мумкин:

- мамлакатимиз иқтисодиётида умумий пул айланмасида нақд пулларнинг салмоғи юқори бўлиб қолмоқда;
- пластик карточкаларга асосланган тўлов инфратузилмаси етарли даражада шаклланмаганилиги;
- савдо ташкилотлари томонидан савдо қилиш тартибини бузилишига ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банклари кассаларига нақд пулдаги тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ топширмаслигига йўл қўйилиши;
- банклар томонидан депозит сиёсатини олиб борилиши етарли даражада эмаслиги;
- "Интернет" глобал компьютер сетидан тўлов тизимини ривожлантиришда самарали фойдаланмаганилиги;
- миллий электрон савдо тизими етарли даражада ривожланмаганилиги.

3. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг кўпчилигида, шу жумладан, МДХ давлатларида аҳоли пуллик тўловларининг сезиларли қисми нақд пулларда амалга оширилади. Бу жуда муҳим ва пуллик чеклар муомаласини ташкил қилишда эътиборга олинadиган омил ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, пуллик чекларни нақд пулда тўлаб беришнинг кечикиши уларга бўлган ишончга путур етказади. Шунинг учун Марказий банк томонидан пуллик чекларни ўз вақтида нақд пулларда тўланиши доимий назорат остига олиниши лозим.

3-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАР ПУЛ АЙЛАНМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Накд пул айланмасини такомиллаштириш борасидаги муаммолар

Ўзбекистонда нақд пул айланмасини такомиллаштириш бўйича давлат даражасида олиб борилаётган сиёсат натижасида бир қатор ижобий ютуқларга эришилди. Хусусан, жами пул айланмаси таркибида нақд пуллар ҳажмининг кескин қисқарди ва нақдсиз пул айланма ҳажмининг ўсиши юз бермоқда. Биз буни магистрлик ишининг юқоридаги параграфларида кўриб чиқдик.

Эришилган ютуқларга қарамасдан, республикамиз банкларига тушаётган пул тушумлари аҳоли ва хўжалик субъектларининг ойма-ой ошиб бораётган нақд пулга бўлган талабини таъминлаш етарли бўлмаяпти. Бунга асосий сабаб, нақд пуллар устидан етарлича мониторинг ишларини олиб бориш, хусусан, банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, нақд пулларни банк кассаларига жалб этилишини кўпайтириш бўйича бир қатор масалаларни четда қолаётганлиги бўлмоқда. Ушбу муаммоларни илдизи билан бартараф этиш бу жуда мураккаб масала эканлигини амалиёт кўрсатмоқда ва ушбу масалага янада чуқурроқ илмий изланишлар олиб бориш ва уни ечимларини излаш бугунги иқтисодий ҳаёт тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда нақд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ жалб этиш борасида жойларда маҳаллий ҳокимликлар, солиқ, банк ва бошқа мутасадди идораларнинг ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлиги қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Хусусан, савдо қоидаларига риоя этмасдан, нақд пул тушумларини ўз вақтида топширмаган хўжалик юритувчи субъектларга ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмаяпти.

Жумладан, Худудий инкассация бўлинмалари маълумотлари асосида Солиқ органлари томонидан 2013 йил давомида Сирдарё вилояти бўйича тақдим қилинган 1341 та хўжалик субъектидан 893 тасига, Андижон вилояти бўйича 1716 тадан 629 тасига, Тошкент вилояти бўйича 1262

тадан 582 тасига ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича тақдим қилинган 916 та хўжалик субъектларидан 711 тасига маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли чоралар кўрилмаган³². Бунинг оқибатида, бундай тартиббузар хўжалик юритувчи субъектлар сони кескин ошиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Айрим ҳудудларда уюшган савдо дўконларининг жуда камлиги, уларнинг нормал фаолият кўрсатмаётганлиги, аҳоли учун кундалик зарур маҳсулотлари кам ёки умуман йўқлиги, мавсумий кийим-кечаклар, хўжалик молларининг сифати ва нархи харидорлар талабига жавоб бермаслиги, аҳолининг кундалик зарур маҳсулотларни уюшмаган савдо орқали харид қилишга ва савдо пулларини банк кассаларига топширилмаслигига олиб келмоқда.

Жумладан, умумий чакана товар айланмада уюшмаган савдонинг улуши 2013 йилнинг январь-декабрь ойларида Сурхондарё вилоятида 69,3% ни, жумладан, Бойсун ва Қизирик туманларида 80,8 % ни, Музробод туманида 76,7 % ни, Шеробод ва Ангор туманларида 74,4 % ни; Андижон вилоятида 67,9 % ни, Қўрғонтепа туманида 82,2 % ни, Марҳамат ва Пахтаобод туманларида 81,5 % ни, Булоқбоши туманида 80,9 %, Улуғнор туманида 79,5 % ни, Андижон шаҳрида 68,1% ни; Жиззах вилоятида 64,8% ни, Зарбдор туманида 84,5% ни, Фориш ва Янгиобод туманларида 82 % ни, Дўстлик туманида 81,5% ни, Ғаллаорол туманида 77,1% ни, Бахмал туманида 73,5% ни, Арнасой туманида 71,8%ни; Навоий вилоятида 63,7% ни, Хатирчи туманида 76,7 % ни, Учкудуқ шаҳрида 74,9% ни, Зарафшон шаҳрида 71% ни ташкил этган³³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-822-сонли қарори билан нақд пул маблағларини тўлиқ тушиши устидан доимий мониторингни амалга ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳақиқий товар айланиш ҳажмларини аниқлаган ҳолда мунтазам

³² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

³³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

назорат текширувларини ўтказилиши белгилаб қўйилганлигига қарамадан, савдо корхоналари томонидан банк кассаларига топшираётган савдо тушумлари билан товар айланмаси ўртасидаги фарқ жуда катта миқдорни ташкил қилмоқда:

3.1.1-жадвал

2013 йилда республикада амалга оширилган умумий товарайланмаси ва савдо тушумлари таҳлили³⁴

(млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	Жами товар айланмаси	Шу жумладан деҳкон бозорлари айланмаси	Товар айланмаси (деҳкон бозорлари товар айланмаси дан ташқари)	Савдо тушуми (терминал тушумлари билан бирга)	Савдо тушумининг улуши (фоизда)	
					Жами товар айланмасида	Товар айланмаси (деҳкон бозорлари товар айланмасидан ташқари)
1	2	3	4=2-3	5	6=5/2*100	7=5/4*100
Республика бўйича	28 357	11 270	17 087	14 932	52,7	87,4

3.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 йилда 28 трлн. 357 млрд.сўмлик товар айланмаси амалга оширилган бўлиб, ушбу сумманинг деярли 47 фоизи банк кассаларига келиб тушмаган ёки банкдан ташқари айланмада қолган. 2011 йилда банк кассаларига топширилган савдо тушумининг деҳкон бозорлари айланмасидан ташқари чакана товар айланмага нисбати Наманган вилоятининг Чуст туманида 43,3%ни, Янгиқурғон туманида 52,8%ни, Норин туманида 55,2%ни, Наманган туманида 59,1%ни; Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида 53,6%ни, Сайхунобод туманида 56 %ни, Сардоба туманида 59,4%ни, Ширин шаҳрида 61,4%ни; Тошкент вилоятининг Бекобод туманида 55,6%ни, Зангиота туманида 65,2%ни, Пскент туманида 77,9%ни, Бекобод шаҳрида 78,2%ни, Оҳангарон туманида 78,5%ни; Самарқанд вилоятининг Ургут

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

туманида 20,5%ни, Қўшрабод туманида 24,4%ни, Оқдарё туманида 25,4 %ни, Пахтачи туманида 28,5 %ни ташкил қилган.

Вазирлар Маҳкамасининг аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишни такомиллаштиришга доир 2001 йил 18 апрелдаги 178-сонли, 2003 йил 5 августдаги 341-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорларида маҳаллий ҳокимликлар зиммасига мутасадди ташкилотлар билан биргаликда аҳолига сифатли коммунал хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ундириш ва ушбу соҳадан тушган тушумлар устидан мониторинг ўрнатиб, нақд пулдаги тўловларни амалга ошириш каби вазифалар юклатилган. Бироқ, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра коммунал тўловлардан қарздорлик тахминан 3 трлн. 319 млрд сўмни ташкил қилиб, мазкур қарздорликнинг асосий қисми Самарқанд (442,4 млрд.сўм), Тошкент (420,3 млрд.сўм), Фарғона (344,2 млрд.сўм), Андижон (342,9 млрд.сўм), Қашқадарё (272,7 млрд.сўм), Наманган (214,2 млрд.сўм), Бухоро (187,4 млрд.сўм), Жиззах ва Хоразм (184,7 млрд.сўм) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (306 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда³⁵.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 26 июлда рўйхатдан ўтган 1390-сонли “Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисида”ги вақтинчалик Низомда айрим турдаги акцизли товарлар (алкогол, тамаки, ўсимлик ёғи, автомобиль бензини, дизель ёқилғиси ва янги енгил автомобиллар) ҳар бир тури бўйича тижорат банклари филиалларида алоҳида махсус иккиламчи ҳисоб рақамлар очиш ва мазкур ҳисоб рақамлар орқали акцизли товарлар савдосидан тушадиган нақд пуллар устидан кунлик мониторинг олиб борилиши белгиланган. Бироқ, ушбу маҳсулотларни сотиб олиш учун ўтказилган мабалағлар билан банк кассаларига келиб тушган нақд пуллар ўртасида сезиларли фарқ мавжуд:

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

3.1.2-жадвал

Тижорат банклари филиаллари мижозлари томонидан 2013 йилда Алкоголли, Тамаки ва Ўсимлик ёғи маҳсулотлари савдоси бўйича махсус ҳисоб рақамлардан амалга оширилган пул айланмалари таҳлили³⁶, млн.сўмда.

Банклар номи	Хўжалик субъект-лари сони	Акциз маҳсулот-лари сотиб олиш учун утказилган маблағ	Банк кассаларига келиб тушган маблағлар			Фарқи
			накдсиз	пластик карточка-лар оркали	накд пулда	
ТИФ Миллий банк	245	4 368	74	1 591	1 313	-1 391
Саноатқурилишбанк	259	5 197	27	2 174	1 192	-1 804
Агробанк	504	14 892	304	7 013	3 401	-4 173
Микрокредитбанк	395	9 093	362	3 490	2 044	-3 197
Халк банк	574	18 089	854	7 309	5 019	-4 906
Ўз-Гер Савдогар банк	81	3 696	171	980	867	-1 677
Кишлоқ Қурилиш банк	100	2 854	9	811	754	-1 280
Турон банк	99	5 864	530	563	1 165	-3 606
Хамкор банк	111	7 789	2 921	789	1 438	-2 641
Асака банк	97	1 306	8	417	379	-503
Ипак йули	104	7 160	160	1 025	549	-5 426
Ўзбек -Турк банки	5	39	0	0	21	-18
Трастбанк	31	3 312	2 582	101	169	-460
Алока банк	49	2 291	254	756	646	-635
Ипотека банк	197	3 557	12	1 083	1 364	-1 098
Туркистон банк	11	160	0	14	76	-70
Уктам банк	2	19	0	12	3	-4
Эрон Содерот	1	28	0	15	8	-4
Самарканд банк	7	121	0	8	48	-65
Универсал банк	20	160	0	71	23	-65
Капитал банк	60	1 595	0	901	296	-397
Равнак банк	2	42	6	1	6	-29
Давр банк	27	2 226	3	34	1 524	-665
Кредит- стандарт банк	21	397	0	150	85	-162
Инвест Финанс банк	4	150	76	0	19	-55
Амир банк	2	12	0	0	6	-7
Азия Альянс банк	12	385	0	0	85	-300
Hi-Tech банк	14	6 040	35	6		-4 379
Ориент финанс банк	10	187	8	0	139	-39
ЖАМИ	3 044	101 027	8 398	29 313	24 257	-39 060

3.1.2-жадвал маълумотларини таҳлил қилсак, 2013 йил давомида алкоголли, тамаки ва ўсимлик ёғи маҳсулолари учун хўжалик субъектлари томонидан 101 млрд.сўмдан ортиқ маблағ ўтказилган бўлиб, ушбу

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

маблағларнинг 39 млрд.сўми банк кассаларига келиб тушмаган. Шунингдек,, маҳсулотлар сотилишидан банк кассаларига келиб тушган маблағларнинг атиги 24 фоизини нақд пуллар ташкил этмоқда. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики банк кассаларига топширилмаган маблағларнинг асосий қисми Агро банк, Микрокредит банк, Халқ банки, Турон банк, Ҳамкор банк, Ипак йўли банки ва Hi Tech банк ҳиссасига тўғри келмоқда. Демак, мазкур тижорат банклари томонидан акцизли товарларни сотишдан тушган нақд пулларни банк кассаларига топширтириш бўйича етарлича мониторинг ишлари олиб борилмаяпти.

Ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли қарори билан тасдиқланган "Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом" талабларига етарлича эътибор берилмаяпти. Хусусан, 2012 йилнинг 1 декабрь ҳолатига улгуржи савдо фаолияти учун лицензия олган юридик шахслар Андижон вилоятида 924 тани ташкил этиб, 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 352 тага, жумладан, Андижон шаҳрида 102 тага, Шаҳрихон туманида 69 тага, Асака шаҳрида 36 тага, Избоскан туманида 34 тага, Андижон туманида 23 тага камайган, Навоий вилоятида 641 тани ташкил этиб, 2011 йил бошига нисбатан 58 тага, жумладан, Навоий шаҳрида 87 тага, Нурота туманида 4 тага камайган., Сирдарё вилоятида уларнинг сони 335 тани ташкил этиб, Оқ олтин ва Мирзаобод туманларида 1 тага, Сардоба туманида 2 тага кўпайгани ҳолда, уларнинг белгиланган тартибда устав капиталани шакллантириши, фаолият тури ва унга мос моддий-техника воситаларининг мавжудлигини ўрганилиб, уларнинг келгусидаги фаолият устидан етарлича назорат ишлари олиб борилмаяпти. Натижада улгуржи савдо ташкилотлари томонидан юқори ликвидли маҳсулотлар олди-сотди операциясидан банк кассаларига тушиши лозим бўлган нақд пуллар устидан етарлича мониторинг ўрнатиш имкони бўлмаяпти.

Магистрлик диссертациянинг 2.1-параграфи таҳлиллари кўрсатдики, мамлакатимизда пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган операцияларнинг умумий ҳажмида пул маблағларини нақдлаштириш операцияларининг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Бунинг натижасида пластик карточкалар воситасида амалга ошириладиган тўловларнинг нақд пулларни банклардан ташқари айланмасини қисқартиришдаги аҳамияти пасаймоқда, нақд пулларга бўлган талаб юқорилигича қолмоқда.

Айниқса, қишлоқ туманларда аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш даражаси паст бўлганлиги сабабли уларда пластик карточкалар воситасидаги тўловларнинг ҳажми жуда пастлигича қолмоқда. Бунинг натижасида мазкур туманларда нақд пулларга бўлган талабнинг юқори ва беқарорлиги сақланиб қолмоқда.

Нақд пуллар устидан мониторинг олиб боришда юзага келадиган асосий муаммолардан бири уларнинг банклардан ташқари айланмасини мавжудлигидир. Таъкидлаш жоизки, нақд пуллар устидан мониторинг олиб боришнинг асосий мақсадидан бири ҳам уларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартиришдир. Банклардан ташқари айланмани юзага келишига сабаб бўлувчи муҳим омиллардан бири баҳоларнинг инфляцион ўсиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида 2007-2013 йиллар мобайнида инфляциянинг оқилона даражасини таъминлашга ва унинг барқарорлигини сақлаб туришга муваффақ бўлинди. Ушбу даврда мамлакатимизда инфляциянинг ўртача йиллик даражаси 7,3 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда иш ҳақи ва нархлар даражаси ўртасидаги боғлиқликнинг инфляцияга таъсирини табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳосининг ўсишида кўриш мумкин. Бундан ташқари, бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақининг ўсиши билан истеъмол товарлари нахрларининг ўсиши ўртасидаги бевосита боғлиқликни ҳам кузатиш мумкин. Фикримизча, мазкур боғлиқликнинг юзага келиши икки омилга асосланади: биринчидан, бюджет ташкилотларида иш ҳақининг

ўсиши истеъмол товарларига бўлган талабнинг ошишига олиб келади, чунки истеъмол товарларининг мутлақ асосий қисми аҳоли томонидан нақд пулларга харид қилинади; иккинчидан, чакана савдо шохобчалари орқали истеъмол товарларини сотаётган савдо ходимларининг онгига иш ҳақларининг ўсиши кучли психологик таъсир кўрсатмоқда.

Бюджет ташкилотларида иш ҳақининг ўсиши натижасида юзага келаётган истеъмол товарлари баҳосининг ўсишига барҳам бериш мақсадида, биринчидан, истеъмол бозорининг тўйинганлик даражасини ошириш лозим (бу эса, уз навбатида, мамлакат бож сиёсатини қайта куриб чиқишни таказо этади); иккинчидан, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар ўртасида соғлом баҳоли рақобатни шакллантириш лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банклари кассаларига нақд пулдаги тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ топширмаслиги нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини юзага келтирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, банкларга топширилмаган нақд пуллар ноқонуний пул айланмасини амалга оширишга хизмат қилади, кўпчилик ҳолларда, хўжалик юритувчи субъектлар нақд пуллик тўловлардан солиқ тушумларини яшириш мақсадида фойдаланишади. Марказий банк эса, нақд пуллар устидан тўлиқ мониторинг ўрнатиш имконига эга бўлмайди. Бу эса, инфляцияни жиловлашга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади. Чунки Ўзбекистон Республикасида аҳолининг истеъмол товарларини харид қилиш билан боғлиқ бўлган тўловларининг катта қисми ҳамон нақд пулларда амалга оширилмоқда.

Мамлакатда нақд ва нақдсиз пулларнинг қиймати ўртасида сезиларли даражада фарқнинг мавжудлиги, пластик карточкаларга асосланган тўловлар тизимининг етарли даражада такомиллашмаганлиги нақд пулларга бўлган талабнинг кучайишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида нақд пул муомаласи билан иқтисодий фаоллик ўртасида бевосита боғлиқлик юзага келди. Бундай шароитда, фикримизча, M1 пул агрегатини

назорат объекти қилиб олиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки талаб қилиб олинadиган депозитлар билан нақд пулларнинг ҳаракати ўртасида кучли боғлиқлик мавжуд бўлиб, муддатли депозитларнинг пул массасига таъсирини ҳисобга олиш имкони бўлмайди.

Республикада нақд пул мониторингини такомиллаштириш борасида таҳлил олиб борарканмиз бу бевосита банкдан ташқари пул айланмаси муаммосини мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, статистик рақамлар таҳлили натижалари қуйидаги хулосани ишлаб чиқишимизга асос бўлди:

- Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар ижроси етарли даражада амалга оширилмаётганлигини ва уларни бажарилишини мониторинги сустр олиб борилаётганини кўришимиз мумкин;

- пул айланиш тизимида келиб чиқаётган муаммоларни ва камчиликларни бартараф этиш бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ривожлантириш, айниқса чакана савдо тизимидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш орқали бартараф этиш мумкин.

3.2. Нақд пул айланмасини такомиллаштириш истиқболлари

Мамлакатимизда нақд пул муомаласини тартибга солиш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш орқали уни банкдан ташқари муомаласини қисқартириш ва пул айланмаси таркибида нақд пул айланиш ҳажмини камайтириш учун нақд пул мониторингини такомиллаштириш лозим. Лекин амалиёт кўрсатадики, ушбу муаммоларни илдизи билан бартараф этиш жуда мураккаб масала ҳисобланади.

Ушбу муаммони ҳал этиш, унинг асосий омил ва сабабларини бартараф этишни энг самарали механизмларидан бири нақд пул билан бўлаётган иқтисодий муносабатларни барчасини автоматлаштириш ҳисобланади. Нақд пул айланиш тизимини автоматлаштириш деганда шуни тушуниш лозимки, унда барча пул ўтказмалари электрон шаклда

амалга оширилади ва бунда пулни ҳаракати устидан назорат ўрнатиш таъминланади.

Иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 80-90 фоизини нақдсиз пул айланмаси ташкил этади. Нақдсиз пул айланмаси нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг кенг ишлатилишига кўп тармоқли банк тизимининг ривожланиши, давлат томонидан макроиқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уни тартибга солиш нуқтаи-назаридан давлатнинг манфаати туради.

Миллий иқтисодиётнинг реал секторини ривожланитириш ва унда кечаётган жараёнларни мутаносиблигини таъминлаш учун пул айланмасини самарали ташкил қилиш ва биринчи навбатда нақд пулсиз айланма салмоғини ошириш керак бўлади. Бу борада олиб борилган илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган банклар ўз фаолиятида самарали механизмларни ва янги информацион технологияларни қўллаш орқали банкдан ташқари айланмаси ҳажмини қисқартиришга ва пул оқимини бошқаришни қулайлаштиришга эришишмоқда.

Чет давлатларда нақд пулларнинг ишлатилиши билан банд бўлганларнинг 10 фоиздан камроғи ўз иш ҳақларини нақд пулда оладилар. Англияда ҳам нақд пулда иш ҳақи оладиганлар барча ишловчиларнинг 10 фоизи атрофини ташкил этади. Германия ва Канадада 5 фоизни, АҚШда эса тахминан 1-2 фоизни ташкил этади. Чунки бу давлатларда иш ҳақи пластик, кредит карточкалари ёки чекларга ўтказиб берилади.³⁷

Ушбу илмий мулоҳазалардан келиб чиқиб, банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш мақсадида илғор жаҳон тажрибалари ўрганилиши ва амалиётга тадбиқ этилиши бугунги иқтисодиётимиз учун долзарб ҳисобланади. Ва бу йўналишда қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиш лозим:

³⁷ Наврўзова К.Н, Ортиқов О.А. Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Т.:Молия-Иқтисод. 2005 й. 14-бет

- иқтисодиётда пул айланиш мониторингини кучайтириш ва ундан иқтисодий жараёнларни бошқарилишида самарали фойдаланш учун миллий тўлов тизимини, айниқса чакана ҳисоб-китобларни ташкил қилиш соҳасини такомиллаштириш зарур;

- аҳолини банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш ва уларнинг бўш турган маблағларини банк тизимига жалб этиш бўйича етарлича шарт шaroит-шaroитларни яратилишини таъминлаш;

- банк фаолиятини автоматлаштирилган даражасини ошириш.

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги илмий асосланган таклифлар берилмоқда:

- банк фаолияти самарасини ва оперативлигини ошириш мақсадида янги банк технологияларни амалиётга янада кенг жорий этилишини таъминлаш керак;

- чакана ҳисоб-китобларни электрон шаклига тўла ўтказилишини таъминлаш. Бунда пластик ва электрон карточкали тўлов тизимларни инфратузилмасини ривожлантириш зарур;

- нақд-пулсиз ҳисоб-китоб шаклини кенгайтириш учун республикамиз амалиётида ҳисоб-китоб чекларни ва банкларнинг ордерли чекларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ривожланган давлатларнинг банкдан ташқари пул айланиш ҳажмини қисқартириш юзасидан олиб борилаётган самарали чора-тадбирларидан бир пластик карточкаларни пул муомаласига киритиш ва пул айланмасини таркибида нақд пулсиз айланма ҳажмини ошириш ҳисобланади. Пластик карточкалар ривожланган давлатларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалиётида ўзини самарали тўлов восита сифатида намаён этди. Халқаро тажриба кўрсатишича, макроиқтисодий даражада пластик карточкаларнинг ишлатилиши самараси қуйидагилар билан ифодаланиши мумкин:

- нақд пулнинг қисқаришига олиб келади;

- пул айланиш тезлигини оширади;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳажмини камайтиришга сабаб бўлади;
- иқтисодиётда пул массани назорат қилишни соддалаштиришни таъминлайди;
- ва энг муҳими, банкдан ташқари пул айланиш ҳажмини кескин қисқаришига олиб келди.

Шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланиш молиявий транзакцияларнинг марказлаштирилган назорат қилишга шароит яратади. Бу нақд пул муомаласи устидан мониторинг қилиш имкониятини кенгайтиради. Мазкур карточкалар кредитни қисқа вақт ичида тақдим этишни ташкиллаштириш ва унинг назоратини амалга оширишни қулайлаштиради. Тўлов айланмасида пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қўлланиши, энг аввало, ҳисоб-китобларнинг тезлаштиришга олиб келади, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализациясини тезлаштиради.

Пластик карточкаларни муомалага чиқарилишини яна бир самараси муомалага нақд пул белгиларини чиқариш, эскиларини алмаштириш, кўп ходимларни сақлаш, мижозлар кўп вақтининг сарфланиши ва ҳар хил ноқулайликлар мамлакат иқтисодиёти зиммасига оғир юк бўлиб тушади. Шунинг учун ривожланган давлатларда пластик карточкалардан фойдаланиш технологияси жуда тез динамик равишда тараққий этиб бормоқда. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳам тўлов тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин эгаллаган пластик карточкаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Ҳозирда республикада эмиссия қилинаётган карточкалар дебет характерга эга бўлган карточкалар бўлиб, кредит карточкалар эса деярли эмиссия қилинмаяпти. Дебет карточкалари орқали фойдаланувчининг ҳисобварағидаги маблағлар доирасида операциялар амалга оширилса,

кредит карточкаларидан эса унинг эгасига эмитент билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ эмитент томонидан берилган кредит линияси миқдорида операцияларни амалга ошириш имконини беради. Албатта карточка эгасига кредит карточкаларининг афзаллиги равшандир, лекин бу эмитент учун кредитнинг қайтмаслиги билан боғлиқ хатарларни келтириб чиқаради ва мазкур кредит маблағлари мижозлар томонидан қайтарилмаса банк эмитент даромадига таъсир кўрсатади.

Пластик карточкалар орқали савдода ўтказилган транзакциялар ошиб боришига қарамасдан нақд пул ечиб олиш транзакцияси юқори бўлиб қолмоқда. Пластик карточкалар орқали савдода ўтказилган транзакциялар хажмини ошириш мақсадида, савдо пунктларини терминал билан жиҳозлаш бўйича республика миқёсида комплекс қўшимча чоратadbирлар ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек,, республикамиз ҳудудларида уюшган савдони ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Шундагина пластик карточкалар орқали савдо қилиш ҳажми ошади, шунингдек,, нақд пуллар билан қилинган савдо тушумлари банк кассаларига тўлиқ тушади.

Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш борасида қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, тараккий этган мамлакатлардан фарқли ўларок, Ўзбекистан Республикасининг тижорат банклари миллий валютада фақат битта "Ностро" вакиллик ҳисобрақамига эга. Ушбу вакиллик ҳисобрақами Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг балансида очилган. Тараккий этган мамлакатларда эса, ҳар бир тижорат банки миллий валютада иккитадан зиёд "Ностро" вакиллик ҳисобрақамига эга. Ушбу вакиллик ҳисобрақамининг биттаси Марказий банкнинг балансида (вертикал вакиллик ҳисобрақами) очилган бўлса, қолгани мамлакатдаги бошқа тижорат банкларининг балансида (горизонтал вакиллик ҳисобрақами) очилган. Банклараро ҳисоб-китобларнинг барчаси горизонтал вакиллик ҳисобрақами орқали амалга оширилади. Тижорат

банкнинг Марказий банк билан ҳисоб-китоблари (Марказий банкдан кредит олиш, Марказий банкка депозитлар жойлаштириш, мажбурий захира ажратмасини ўтказиш каби операциялар) вертикал вакиллик ҳисобрақами орқали амалга оширилади.

Ўзбекистан Республикаси банк амалиётида корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишда қўлланиладиган ҳисоб-китоб чекларининг мавжуд эмаслиги, фикримизча, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш механизмидаги асосий камчиликлардан бири. Чунки халқаро банк амалиётида ҳисоб-китоб чеклари нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мустақил шакли ҳисобланади ва ўзига хос афзалликларга эгадир. Демак, мамлакат тўлов амалиётида уларнинг йўқлиги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тўлақонли амалга оширилмаётганлигидан далолат беради.

Тараққий этган мамлакатлар амалиётида банкларнинг ордерли чекларидан кенг кўламда фойдаланилади. Мазкур чекларнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шундаки, уларни индоссамент орқали учинчи шахсларга узатиш мумкин. Натижада ордерли чеклардан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни камайитишда фойдаланиш имконияти юзага келади.

Таҳлилларнинг натижалари шуни кўрсатадики, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган тўловларнинг 98 фоизи тўлов топшириқномаси орқали ўтказилган тўловларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш амалиётининг такомиллашмаганлигини ва бундай ҳолатда пул айланиш тизимида ноқонуний пул ҳаракатларини келтириб чиқариш ҳафини туғдиради. Шунинг учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб барча шаклларини такомиллаштириш зарур.

Юқорида келтирилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш чора-тадбирларидан ташқари нақд пул мониторингини такомиллаштириш ва пул маблағларини банклардан ташқари айланмасини

қисқартириш бўйича самарали тадбирларни амалга ошириш лозим.
Жумладан:

- пул-кредит сиёсатининг барча инструментларидан оқилона фойдаланиш орқали, республика пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш орқали миллий иқтисодиётда тартибга солинган пул айланиш циркуляциясини кучайтириш ва уни мониторингини ошириш;

- тижорат банклари фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига, банклар ва уларнинг филиалларини банк фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирлар ва ишларни бажаришга жалб этишга йўл қўймаслик;

- тижорат банклари томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ўрнатилган терминалларни солиқ идоралари томонидан каттиқ назорат қилиниши орқали узлуксиз ишлашини таъминлаш;

- савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан тушум миқдори камайтирилганлигини тахмин қилиш имконини берадиган тафовутлар аниқланганда нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш ва натижаси юзасидан тегишли чоралар кўриш;

- тижорат банкларига аҳоли ҳамда юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини, айниқса, муддатли депозитларга жалб қилинишини таъминлаш мақсадида, тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган жозибадор ва юқори фоизли депозит турларини, улар бўйича ҳукумат томонидан берилган солиқ имтиёзларини ҳамда аҳоли омонатлари тўла ҳамда кафолатланганлигини кенг оммага етказиш учун мағаллий ҳокимиятлар билан биргаликда амалий семинарлар ташкил этиш;

- аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда савдо дўконлари, хусусан фирма дўконларини ташкил этиб, чакана савдо соҳасида фаолият юритаётган уюшган савдо шахобчаларини ривожлантириш ҳамда уларни сифатли ва арзон халқ истеъмол товарлари билан таъминлаш чораларини кўриш лозим.

Учинчи боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда:

1. Ҳозирги кунда нақд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ жалб этиш борасида жойларда маҳаллий ҳокимликлар, солиқ, банк ва бошқа мутасадди идораларнинг ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлиги қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Хусусан, савдо қоидаларига риоя этмасдан, нақд пул тушумларини ўз вақтида топширмаган хўжалик юритувчи субъектларга ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмаяпти.

2. Мамлакатимизда пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган операцияларнинг умумий ҳажмида пул маблағларини нақдлаштириш операцияларининг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Бунинг натижасида пластик карточкалар воситасида амалга ошириладиган тўловларнинг нақд пулларни банклардан ташқари айланмасини қисқартиришдаги аҳамияти пасаймоқда, нақд пулларга бўлган талаб юқорилигича қолмоқда.

Айниқса, қишлоқ туманларда аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш даражаси паст бўлганлиги сабабли уларда пластик карточкалар воситасидаги тўловларнинг ҳажми жуда пастлигича қолмоқда. Бунинг натижасида мазкур туманларда нақд пулларга бўлган талабнинг юқори ва беқарорлиги сақланиб қолмоқда.

3. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш чора-тадбирларидан ташқари нақд пул мониторингини такомиллаштириш ва пул маблағларини банклардан ташқари айланмасини қисқартириш бўйича самарали тадбирларни амалга ошириш лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Магистрлик диссертациясини бажариш натижасида нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартириш имкониятлари замонавий ҳолати ва бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

1. Пул муомаласи ва унинг воситалари иқтисодиётни, жумладан, муомаладаги пул массасини, молия бозорлари ҳамда банк тизими ликвидлилигини тартибга солишдаги ўрни муҳимдир. Ҳозир республикамызда пул муомаласининг самарадорлигини ошириш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, муомаладаги нақд пуллар айланмасини қисқартириш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

2. Ўзбекистонда нақд пул муомаласи ва унинг айланмасини ташкил этиш бўйича ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилган. Аммо соҳада эришилган ютуқларга қарамадан, нақд пул муомаласида бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, ҳалигача нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмаси сезиларли даражада қолмоқда. Мазкур ҳолатлар нақд пул муомаласининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

3. Мамлакатимизда пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларнинг амалга ошириш натижада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми сезиларли даражада ошмоқда, аҳолининг нақд пулга бўлга эҳтиёжлари пасайтиришга имкон туғилмоқда, нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасининг қисқаришига қисман эришилмоқда, шунингдек,, улар устидан осон назорат қилиш имкони келмоқда. Шу ўринда пластик карточкалар билан боғлиқ қатор муаммолар борлиги ҳамда айнан пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар муомаладаги нақд пулнинг банкдан ташқари айланишига асос бўлиб келадиганлигини таъкидлаймиз.

4. Республикамызнинг барча минтақаларида нақд пулдаги тушумларини тижорат банкларининг кассаларига умуман топширмаган ёки қисман топширадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг мавжудлиги нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартиришда

жиддий чора-тадбирларни амалга ошириш заруриятини юзага келтиради. Накд пуллик тушумларини тижорат банклари кассаларига топширмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони Тошкент шаҳрида, Тошкент, Фарғона ва Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида нисбатан кўпдир. Бу эса, ушбу вилоятларда ва Тошкент шаҳрида нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишда муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатади.

5. Мамлакатимиз бўйича уюшмаган савдонинг жами товарлар айланмасидаги улуши юқори даражада қолмоқда. Бу эса, нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Хусусан, Тошкент шаҳрида умумий товарлар айланмасида уюшган савдонинг салмоғи республикадаги ўртача кўрсаткичдан юқори. Бу эса, Тошкент шаҳрида нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартириш борасида олиб борилаётган тадбирларнинг самарадорлик даражасининг нисбатан юқори эканлигидан далолат беради.

6. Ўзбекистан Республикасида охириги 3 йилда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни 100 фоиздан ортиқ ошганлигини ҳисобга олсак, айрим ҳудудларда пул тушумларини кўпайтириш бўйича мавжуд ички имкониятларидан самарали фойдаланилмаётганлиги оқибатида нақд пулдаги тўловлар жорий тушумлар ҳисобидан таъминланмаяпти. Бунинг оқибатида банк кассаларига тушаётган пул тушумлари аҳоли ва хўжалик субъектларининг ойма-ой ошиб бораётган нақд пулга бўлган талабини таъминлаш учун етарли бўлмаяпти.

7. Тадқиқот жараёнида пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган тўлов операцияларини ривожлантириш борасида мавжуд бўлган қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди:

- пластик карточкалар воситасида амалга оширилаётган операцияларнинг умумий ҳажмида пул маблағларини нақдлаштириш операцияларининг салмоғи юқорилигича қолмоқда;

- қишлоқ, туманларида аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш даражаси паст бўлганлиги сабабли уларда пластик карточкалар воситасидаги тўловларнинг ҳажми жуда пастлигича қолмоқда. Бунинг натижасида мазкур туманларда нақд пулларга бўлган талабнинг юқори ва нобарқарорлиги сакланиб қолмоқда;

- пластик карточка технологияларидан фойдаланишни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар мавжуд эмас. Банк пластик тўлов карточкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-ҳуқуқий масалаларни тартибга солувчи алоҳида йуриқнома ёки низом мавжуд эмас.

Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан нақд пул айланмасини янада такомиллаштириш ва унинг мониторингига қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Хорижий мамлакатларда олиб борилаётган замонавий монетар сиёсатни таҳлил қиладиган бўлсак, нақд пул муомаласини барқарорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг мониторингини такомиллаштиришнинг асосий йўли бу нақд пулсиз ҳисоб китобларга асосланган тўлов шакллари ривожлантириш ҳисобланади. Муомаладаги нақд пулларни қискартириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни пластик карточкалар тизимини ривожлантириш орқали ҳал қилиш лозим.

2. Хўжалик субъектлари ва аҳолининг депозит ҳисобварақларидан тўловларни уларнинг биринчи талаби бўйича чекловларсиз узлуксиз берилишини таъминлаш мақсадида тижорат банкларининг барча бўлим ва филиалларининг нақд пул захираларида доимий равишда етарли маблағлар мавжуд бўлишини таъминлаш зарур.

3. Тижорат банклари томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ўрнатилган терминалларни солиқ идоралари томонидан

каттик назорат қилиниши орқали узлуксиз ишлашини таъминлаш зарур. Савдо терминаллари кўпайтириш орқали барча турдаги халқ истеъмол товарларини пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда сотиб олиш имкониятларини барча ҳудудларда яратиш керак.

4. Республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мамлакат ичида фақат миллий валютада сотилишини таъминлаш. Хусусан, “GM UZBEKISTAN” кўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобилларни мамлакат ичида фақат миллий валютада сотилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

5. Тижорат банкларига аҳолининг бўш пул маблағларини, айниқса, муддатли депозитларга жалб қилинишини таъминлаш мақсадида жозибадор ва юқори фоизли депозит турларини таклиф қилиш билан бирга аҳоли даромадларини динамикаси ва таркибини мониторинг қилиб бориш лозим. Чунки аҳоли омонотлари ҳажми уларнинг даромадларига, айниқса, пул кўринишидаги даромадларига боғлиқдир. Айниқса, халқаро тўлов тизимлари орқали республикамизга ўтказилаётган пул ўтказмаларини банklar депозитларга жалб қилишга алоҳида эътибор беришлари лозим.

6. Мамлакатнинг умумий товар айланмасида уюшган савдо ҳажмини ошириш. Бунинг учун уюшмаган савдо таркибидаги патент асосида фаолият юритаётган ва катта ҳажмда савдо айланмасига эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорларни юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш;

7. Аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда савдо дўконлари хусусан фирма дўконларини ташкил қилиб, чакана савдо соҳасида фаолият юритаётган уюшган савдо шохобчаларини ривожлантириш ҳамда уларни сифатли ва арзон халқ истеъмол товарлари билан таъминлаш чораларини кўриш керак. Бунинг учун аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабни ҳам мониторинг қилиб бориш мақсадга мувофиқдир.

8. Аҳолига транспорт ва ташиш хизматларини амалга оширувчи корхоналарнинг таркибидаги машина-транспорт воситаларининг нақд пул тушуми мониторингини амалга ошириш ва мониторинг натижасига кўра

кунлик нақд пул режасини ўрнатиш ҳамда ўрнатилган режага асосан банк кассаларига нақд пул топширишни қатъий назорат қилиш.

9. Республикамизда буюк шахсларнинг хотираларини абадийлаштириш, юбилей кунларини муносиб ўтказиш муносабати билан махсус юбилей олтин тангалари зарб этилиб, уни аҳоли ўртасида қонун ҳужжатларига мос равишда сотиш, у орқали миллий ва хорижий валюталарни банк кассаларига жалб этиш, юбилей олтин тангаларини республика ҳудудидан чиқиб кетмаслиги, республика олтин захирасига салбий таъсир этмаслиги учун давлат томонидан маълум бир вақт орасида ютуқли ўйинларни амалга ошириш лозим.

10. Республика ҳудудида савдо тизими қайта кўриб чиқиб, унинг мукаммаллашган механизмини яратиш, амалиётга жорий қилиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2012.- 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 йил 21 декабрь. «Халқ сўзи», 1996 й., 10 (1263)-сон

3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил 25 апрель. «Халқ сўзи», 1996 й., 108 (1361)-сон

4. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002 йил 5 апрель. «Халқ сўзи», 2002 й., 100(2928)-сон

5. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003 йил 30 август. «Халқ сўзи», 2003 й., 195 (3307)-сон

6. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005 йил 16 декабрь. «Халқ сўзи», 2005 й., 247 (3792)-сон

7. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008 йил 22 июль. «Халқ сўзи», 2005 й., 247 (3792)-сон

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 3968-сонли Фармони 2008 йил 2 февраль ЎР ҚХТ, 2008 й., 8-9-сон, 35-модда

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3047-сонли Фармони, 2002 йил 30 март. «Халқ сўзи», 2002 й., 70(2898)-сон

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 4057-сонли Фармони 2008 йил 28 ноябрь ўР ҚХТ, 2008 й., 48-сон, 471-модда

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сонли Қарори, 2005 йил 15 апрель. Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 й., 3-4-сон, 145-модда

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги ПҚ-147-сонли Қарори, 2005 йил 5 август. ўР ҚХТ, 2005 й., 30-31-сон, 227-модда

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-433-сонли Қарори, 2006 йил 3 август. ўР ҚХТ, 2006 й., 31-32-сон, 309-модда

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-726-сонли Қарори, 2007 йил 7 ноябрь. ўР ҚХТ, 2007 й., 45-сон, 454-модда

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-822-сонли Қарори, 2008 йил 27 март. ўР ҚХТ, 2008 й., 14-15-сон, 97-модда

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ 991-сонли Қарори 2008 йил 31 октябр. ўР ҚХТ, 2008 й., 44-45-сон, 441-модда

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб

этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1090-сонли Қарори, 2009 йил 6 апрель. ЎР ҚХТ, 2009 й., 15-сон, 181-модда

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1325-сонли Қарори, 2010 йил 19 апрель. ЎР ҚХТ, 2010 й., 16-сон, 124-модда

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори, 2010 йил 26 ноябрь. ЎР ҚХТ, 2010 й., 48-сон, 442-модда

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг ““Ўзкарт” банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ” ги 12/2-сонли Қарори, 2012 йил 21 апрель

III. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Муомаладаги нақд пулларни камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 356-сонли Қарори, 1994 йил 11 июль.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нақд пул муомаласини тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 526-сонли Қарори, 1994 йил 28 октябрь.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 504-сонли Қарори, 1999 йил 17 ноябрь.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг маъсулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 264-сонли Қарори, 2001 йил 22 июнь. ЎР ҚХТ, 2001 й., 12-сон, 79-модда

25.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 88-сонли Қарори 2002 йил 19 март.

26.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли Қарори, 2002 йил 5 август. ЎР ҚХТ, 2002 й., 15-16-сон, 120-модда

27.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 63-сонли Қарори, 2003 йил 4 февраль. ЎР ҚХТ, 2003 й., 3-сон, 23-модда

28.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли Қарори, 2004 йил 24 сентябрь. ЎР ҚХТ, 2004 й., 38-39-сон, 425-модда

IV. Меъёрий ҳужжатлар

29.“Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари” 565-сонли Низом, 1998 йил 17 декабрь.

30.“Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги 1044 сонли Низом, 2001 йил 23 июнь.

31.“Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги 1122-сонли Низом, 2002 йил 15 апрель.

32.“Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида”ги 1344-сонли Низом, 2004 йил 30 апрель.

33.“Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисида”ги 1390-сонли вақтинчалик Низом, 2004 йил 12 июль.

34.“Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги 1518-сонли Йўриқнома, 2005 йил 20 август.

35.“Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги 1598-сонли Низом, 2006 йил 21 июль.

36.“Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 1788-сонли Низом, 2008 йил 9 апрель.

37.“Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларни рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисида”ги 1792-сонли Низом, 2008 йил 16 апрель.

V. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

38.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995.-234 б.

39.Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-ж.- Т.: “Ўзбекистон”, 2007-320-б.

40.Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир.- Т.: Ўзбекистон, 2007.

41.Каримов И.А.Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиёти мизни барқарор ривожлантириш йўлида.- Т.: Ўзбекистон, 2008.-368 б.

42.Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

43.Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. 17-ж-Т.: Ўзбекистон, 2009.-280 б.

44.“Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”/ И.А.Каримов; тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ф.М. Муллажонов.-(2-тўлдирилган нашр).-Т.: “Ўзбекистон”, 2011.-528 б.

45.Каримов И.А. “2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2014 йил 19 январь- Т.:Ўзбекистон, 2014. 6- бет.

VI. Махсус адабиётлар

46.Cousin.E.J. Invertment strategy and the monetary a business cyeles- NY.Ets.:Wiley, 1990.-P.301.

47.Kaldor N. The Monetarism/Lioyds Banking Review. 1970/ VII.P.1-2.

48.Machlup F. International payment, debts and gold.-London:George Allen & Unwin, 1966.P.7-50.

49.Meltzer A.H. The Demand for Money: The Evidence from the Times Seriyes// Journal of Political Economy (1963) №71 P.219-246; Brunner, Meltzer A.H. Predisting Velocity: Implication for Theory and Policy// Journal of Finance (1963) №18. P. 354 p.

50.Mundell R.A. The monetary dynamics of international adjustment under fixed and flexible exchange rates // Quarterly Journal of Ecocnomics 74(2). May 1960.P.257 p.

51.Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: дарслик. - Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. – 348 б.

52.Абулқосимов Ҳ.П., Шодмонов Ш.Ш., Тожибоева Д., Гофуров У., Кулматов О.А. “Иқтисодий билим асослари” Ўқув қўлланма. Т.,Академия,2010.

53.Александер У., Балиньо Т., Энох Ч. Непериодическая серия, выпуск 126. Принятие косвенных инстурментов денежно-кредитной политики, МВФ, Вашингтон, США, июнь 1995. стр. 11.

54.Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: Высшее образование, 2008. – 620 с.

55.Березина М.П. Безналичные расчёты в экономики России. Анализ практики. - М.: АО «Консалтбанкир», 1997. - с.5.

56.Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 33 б.

57.Вахабов А.В Инқироз шароитида банк тизими барқарорлигини таъминлаш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2009. - № 4 – Б. 24;

58.Вахабов А.В., Бобакулов Т.И. Национальная денежная единица – сум Республики Узбекистан // Central Eurasia: national currencies. Monograph. – Stockolm, 2008. – P. 312-325.

59.Деньги, кредит, банки. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2009. – 560 с.

60.Долан Э. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – М.: Ленинград. 1991. – 446 с.

61.Долан Э.Дж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика/ Пер. сангл. В. Лукашевича и др.; Подобщ.ред. В. Лукашевича. М., 1996.- 448 с.

62.Душаев Б.М. Монетарная политика. – Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2003. – 120 с.

63.Жуков Е. Ф. Общая теория денег и кредита. М. : ЮНИТИ, 1998. - 359 с.

64.Жукова Е.Ф. Деньги, кредит, банки. Учебник. Под ред. - М.:ЮНИТИ, 2003.- 310 с.

65.Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 32 б.

66.Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 32 б.

67.Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикасида пул тизими элементларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2011. – 31 б.

68.Кейнс.Дж.М. Избранные произведения.-М.:Экономика, 1993.- 467 с.

69.Лаврушина О.И. Банковское дело. – М.: “Финансы и статистика”, 2003. – 672 с.

70.Лаврушина О.И. Деньги, кредит, банки-М.: М.: КНОРУС, 2007. – 560 с.

71.Макконнелл К., Брю С., Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер. с англ. изд. – М.:ИНФРА-М, 2003. – XXXVI, 972 с.

72.Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. – Вашингтон, Д.С.: ИЭР МБРР, 1994. – 323 с.;

73.Миллер Л.Р., Ван-Хуз Д.Д. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – Москва: Инфра-М, 2000. – 856 с.;

74.Мишкин Ф. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Учебное пособие для вузов/Пер. С англ. Д. В. Виноградова под ред. М. Е. Дорошенко. Аспект Пресс. М.: 1999.- 820 с.

75.Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. – М.: Экономистъ, 2008. – 652 с.;

76.Моисеев. С. Доллар шагает по планете//Вопросы экономики. – М.,2003.-№3.

77.Наврўзова К.Н, Ортиқов О.А. Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Т.:Молия-Иқтисод. 2005. -**174 б.**

78.Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления. Дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 2001. – 39 с.

79.Немецкий Федеральный банк. Денежно-политические задачи и инструменты. Специальные издания Немецкого Федерального банка №7. Франкфурт-на-Майне. 1993.-177 с.

80.Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – 2 –е изд.,испр. М.: Инфра-М, 1999. – 479 с.

81.Рахимова Х.У. Организация и развитие платежной системы Республики Узбекистан. Дисс. на соиск. уч.ст. к.э.н.Ташкент, 2006.- 31с.

82.Родионов С.С., Бабичев Ю.А. Денежно-кредитное регулирование капиталистической экономики. М.:”ФиС”,1991. – 416 с.

83.Рудакова О.С. Банковские электронные услуги. – М.: ЮНИТИ, 2011. – 398 с.

84.Уэрта де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 282 с.

85.Уэрто де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. – Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 663 с.;

86.Ўзбекистон республикаси банк тизими/Муаллиф: Ф.М. Муллажонов (ва бошқ.) Ф.М. Муллажоновнинг умумий тахрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 368 б.

87.Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент. - “Меҳнат”, 1995. - 509 б.

88.Финансы и кредит. Учебник. Под ред. Белоглазовой Г.Н. – М.: Юрайт-Издат, 2003. – 575 с.;

89.Харрис Л. Денежная теория: Пер. с английского /Общ. ред. и вст. ст. Усоскина В.М.–М.: Прогресс, 1990.-750 с.

90. Шамраев А.В. Регулирование документарного аккредитива в праве США // Деньги и кредит. – Москва, 2001. – №6. – С. 52.

91.Шомуродов Р.Т. Банк тизимида монетар воситаларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 19 б.;

92.Шомуродов Т. Банк тизимида монетар воситаларни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент. – 2004, 24 б.

93.Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб.заведений / Под ред. В. Д. Камаева. - 10-е изд., перераб. и доп. - М. : Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2003. - **592 с.**

94.Юров А.В. Пути развития наличного денежного обращения в Российской Федерации// Деньги и кредит.-Москва, 2008.-№7.-с.3-10.

VII. Статистика ва ҳисобот маълумотлари.

95.Марказий банк ҳисобот маълумотлари.

96.Давлат статистика қўмитасининг ҳисобот маълумотлари.

97.“International Financial Statistics” маълумотлари.

VIII. Журнал ва газеталардаги мақолалар.

98.Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон банк тизими: ислохотлар ривожланиш гарови. // Бозор, пул ва кредит. – 2013. - №1. 3–9 б.

99.Муллажонов Ф.М. 2011 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит. – 2014. - №1. 10–23 б.

100.Бекчанов М. Ўзбекистонда пластик карточкалар тизими. // Бозор, пул ва кредит. – 2013. - №04. 11–14 б.

101.Норқобилов С., Шомуродов Р. Пул муомаласини тартибга солишнинг назарий асослари//Бозор, пул ва кредит, 11-сон, 2001 йил, 27-бет.

IX.Интернет сайтлари.

- www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг портали.
- www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
- www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти
- www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси
- www.uba.uz - Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси сайти
- web.worldbank.org – Жаҳон банки гуруҳи сайти

- www.imf.org – Халқаро Валюта Фонди сайти
- www.cbr.ru – Россия Марказий банки сайти
- www.hq@nationalbank.kz – Қозоғистон Миллий банки сайти
- www.lenta.ru – таҳлилий шарҳлар
- www.federalreserve.gov – АҚШ Федерал Захира Тизими сайти
- www.boj.or.jp – Япония банки сайти
- www.ecb.int – Европа Марказий банки сайти
- www.bankir.ru
- www.press.service.uz
- www.econ.msu.ru
- [www. Com/ default. Htm/](http://www.Com/default.Htm/).
- www.vrlfinancialnews.com
- www.ziyonet.uz
- www.norma.uz
- <http://visa.com.ru/>.